

I. Кириш

Республикада чорвачилик қишлоқ хўжалигининг асосий соҳаларидан бири ҳисобланади ва аҳоли истеъмолига гўшт, сут, тухум каби озиқ-овқат маҳсулотларини ҳамда енгил саноат учун қимматли хом ашё етказиб беради.

Чорвачилик соҳасини ривожлантириш аҳолини чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини кондиринишда муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун эса чорва молларининг маҳсулдорлигини ошириш ва насл қийматини яхшилаш зарур. Молларнинг маҳсулдорлигини оширишда ҳамда насл сифатини такомиллаштириб боришда зоотехния ва ветеринария талабларига амал қилиш зарур.

Республикада чорвачилик соҳасини янада ривожлантириш, айниқса наслчилик ишларини ташкил этишни яхшилаш ва озуқа базасини мустаҳкамлашни жадаллаштириш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш муҳимдир:

1. Аҳоли, деҳқон ва фермер хўжаликлари чорвачилигида наслчилик ишларини тўғри ташкил қилиш, улардаги сигир ва қочириш ёшидаги таналарни сунъий уруғлантириш учун генетик имконияти юқори бўлган, насл қиймати бўйича баҳоланган насли буқалар уруғи билан таъминлашни жадаллаштириш, сунъий қочириш пунктлари сонини кўпайтириш ва уларни малакали мутахассислар билан таъминлаб бориш.

2. Наслчилик тоифасидаги хўжаликларда умумий поданинг камида 45-50% энг маҳсулдор сигирларни ташкил қилиш керак ва 5-8% миқдорида насли буқачалар етиштирувчи сигирлар гуруҳини барпо этиш зарур. Бу гуруҳлардан олинган ёш молларни мақсадга мувофиқ ўстиришни ташкил қилиш муҳим тадбирлардан саналади.

3. Наслчилик тоифасидаги хўжаликларда сут маҳсулдорлиги 5000 килограммдан кам бўлмаган сигирлардан иборат юқори маҳсулдор сигирлар подасини шакллантириб бориш ва бузоқ олишни ҳар 100 бош она мол ҳисобига 85 бошдан кам бўлмаслигига эришиш лозим.

4. Сигирлар сут маҳсулдорлигини ошишининг қарийб 60% озиқлантириш омилига боғлиқлиги илм-фанда исботланган. Шундан келиб чикиб, йил давомида озуқага бўлган талаб аҳоли қарамоғидаги ҳар бир шартли бош учун 30-35 ц/озуқа бирлигини, насли моллар учун 45-50 ц/озуқа бирлигини, четдан келтирилган зотли моллар учун эса 55-60 ц/озуқа бирлигини ташкил қилади.

5. Илм-фанда ва илғор тажриба ютуқлари асосида озуқабоп экинлар ҳосилдорлигини ҳар гектар асосий экин майдонидан 6-7 тонна озуқа бирлигига, оралиқ экинлардан 4-5 тонна озуқа бирлигига ва такрорий экинлардан 3-4 тонна озуқа бирлигига, жами 8-10 тонна озуқа бирлигига етказишни таъминлаш зарур.

6. Озуқабоп экинлар ҳосилдорлигини оширишда серҳосил нав ва дурагайлардан кенг фойдаланиш ҳамда жадал технологияларни жорий қилиш тавсия этилади.

7. Асосий ва такрорий майдонларда экиладиган маккажўхоридан дон етштириш салмоғини ошириш муҳим саналади.

Ҳозирги пайтда чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришнинг асосий омилларидан бири -бу шахсий ёрдамчи, деҳкон ва фермер хўжаликларида замонавий илғор технологияларни кенг жорий қилишдан иборатдир. Бу эса аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун ҳам келажакда подани тўлдириш учун ўстириладиган ёш бузоқлар сут ичиш даврида 3 ойлигида 360-1000 килограммдан кам бўлмаган миқдорда қаймоқли сут ичишини таъминлаш лозим. Уларни ёшлигидан сифатли озуқалар билан. Айниқса беда пичани билан кўпроқ озиқлантириб бориш зарур. Бузоқларни ўсиш даврида тирик вазнини зот андозаси талабларига мос келишини таъминлаш ва 18-20 ойлигида таналарни тирик вазнини 350-400 килограмга етказиб қочиришни амалга ошириш муҳим ҳисобланади.

Яна бир муҳим тадбирлардан бири бу ғунажинларни туғишга тайёрлашдир. Бунинг учун уларни бўғозлик даврини 7 ойлигидан бошлаб, ҳар

куни елинини 2 маҳал 5 - 10 дақиқадан уқалаб бориш (массаж қилиш) ва туғишига 15-20 кун қолганда бу тадбирни тўхтатиш зарур. Ғунажинлар туққандан кейин, лактация даврининг дастлабки 90 куни мобайнида уларни серсут қилишни амалга ошириш муҳим ҳисобланади. Мазкур тадбир жорий қилинганда сигирларни сут маҳсулдорлиги 35-40% гача кўпайишига эришиш мумкин.

Насл тоифасидаги ҳўжаликларда сигирлар салмоғи 50-60% ташкил қилиши наслчилик ишини самарали олиб боришда муҳим ҳусусиятга эга.

Юқори маҳсулдор сигирлар (сут маҳсулдорлиги 5000 килограмм ва ундан юқори) подасидан "насл негизини шакллантириш ва бу подадаги сигирлардан энг маҳсулдор сигирларни 5-8%ни "насли буқалар етиштирувчи гуруҳ"га ажратиб бориш наслчиликдаги асосий тадбирлардан саналади.

Юқори маҳсулдор сигирлар подаси ёки "Насл негизи" учун танлаб олиingan сигирларнинг сут маҳсулдорлиги умумий подадаги сигирларнинг сут маҳсулдорлигидан 15% ва ундан юқори, "насли буқалар етиштирувчи гуруҳ"даги сигирларнинг сут маҳсулдорлиги 70% ва ундан юқори бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бундан ташқари, бундай гуруҳларга сигирларни танлаб олишда уларнинг экстерьеридида нуқсонлар бўлмаслигига, тирик вазнини андоза талабларига мос келишига, сут бериш тезлигига, елинларининг машинада соғишга яроқлигига, сут таркибидаги ёғ ва оқсил миқдорига, елин ва туёқ касалликларига чидамлилигига ҳамда авлодларининг яшовчанлиги юқорилигига асосий эътиборни қаратиш керак. Мазкур сигирлардан оlingан авлодлар ёшлигидан алоҳида сақланиб, парваришлаб боқилади яъний мақсадга мувофиқ ўстирилади.

Республика иқлим шароитларидан келиб чиқиб сут йўналишида 3 та (қора-ола, қизил чўл ва бушуев), 1та кўшмаҳсулдор (швиц), 3 та гўштдор (Санта гертруда, абердин-ангусс, қозоқи оқ бош) зотлари ҳудудлар бўйича урчитиш учун районлаштирилган. Шунинг учун ҳам наслчилик ҳўжалигида фақат битта зотга мансуб моллар урчителиб, кўпайтирилиши ва сақланиши

шарт.

Наслчилик тоифасидаги хўжаликларда 2 ёшдан катта таналарни 18-20 ойлигидаёқ қочирилиши, подаларда қисир қолиб кетган сигир ва таналар бўлмаслигига эришиш алоҳида аҳамият касб этади. Наслчилик хўжаликларида сунъий қочириш ишлари тўлиқ ташкил этириши, мавжуд сигир ва қочириш ёшидаги таналарни жахон генофондига ҳос қариндош насли буқалар уруғи билан қочиришни доимий равишда амалга ошириш (дурағайлаш) ёки соф зотли урчитиш усулларида фойдаланиш зарур.

Наслчиликда амалга ошириладиган муҳим тадбирлардан яна бири бутутдан чиққан бўғоз сигирларни кейинги лактацияга яъни туғишга тайёрлашдан иборатдир. Ушбу гуруҳга ўтказилган сигирлар учун туғишга 60 кун қолганда бутутдан чиқарилган бўлиши ва тўла кийматли озиқлантириш ҳамда дам бериш шароитлари яратилиши керак. Чунки, сигир бутут бериш даврида (ўртача махсулдорликдаги сигир) бутут билан биргаликда 350-360 килограмм курук модда, 111 килограмм ёғ, 103,5 килограмм оксил, 28-30 килограмм минерал моддаларни организмдан чиқариб юборади. Шунинг учун ҳам сигир организмда тўйимли моддалар камайиб қолади, бунинг ўрнини тўлдириш ва ҳомилани етарлича ривожлантиришни таъминлаш мақсадида уларга дам (60 кун давомида) бериш зарур. Бу тадбирни талаб даражасида ўтказилиши кейинги лактация (бутут бериш даври)да бутут миқдорини камаймаслигига олиб келади. Шунингдек мазкур усул воситасида сигирларнинг маҳсулот бериш даврини узайтириш мумкин.

Бу даврда озиқлантиришни ташкил этганда, уларнинг жадал ўсиш ривожланишини инобатга олиш зарур. Шунингдек, уларга озуқаларни кўпроқ истеъмол қиладиган шароитлар яратиш, маҳсулот бериш даврига етиб борганда тўла генетик имкониятини намоён қиладиган қилиб парваришлаш керак бўлади. Айниқса, А, Д ва С витаминларига ҳамда кальций ва фосфорга бўлган талабини тўла қондириш лозим. Бундан ташқари, қиш мавсумида оксил ва минерал моддаларга бой озуқалар билан етарлича таъминлашни унутмаслик керак.

Шуларни этиборга олган холда мавжуд чорвачилик хўжаликларида мустахкам ем—хашак захиралари яратилиб, яни фермер хўжаликларида алмашлаб экиш, оралиқ ва такрорий экинлар майдони кўпайтирилса, озикбоп экинлар экиш технологияси такомиллаштирилса, селекция йўли билан қорамоллар зот ва зотдорлигига этибор берилиб, наслчилик ишлари ташкил қилинса чорва бош сони ва махсулот сифати бунданда яхшиланиб, махсулот сероблиги таминланади, фермерлар даромади ошади, натижада аҳолии фаровонлиги янада яхшиланади.

II. Адабиётлар шархи.

Қорамолларнинг ирсиятдаги сут ва гўшт маҳсулдорлиги фақат маъкул ташқи муҳит шароитлари уларни устириш ва фойдаланиш давомида яйратиб берилгандагина руёбга чиқади. Ҳайвонларда туғилгандан кейин юқори маҳсулдорлик ва сифатларни шакллантириш ҳайвонларнинг она корнида ва туғилгандан кейинги ривожланиш қонуниятларига буйсиниш керак. Шахсий ривожланиш қонуниятларини ривожланишига **Г.А.Шмидт, П.Д.Пшеничный, К.Б.Свечинлар** катта хисса қўшганлар. Она корнидаги даври куйидагилардан иборат: муртак, хомила олди ва хомила. Муртак даври қорамолларда 34 кун давом этади. Асосий тана аъзо ва системалари шаклланади. Хомила олди даврида тўқима, аъзо ва системалар яна ўсади ва хомила шаклланади, ёки янги туғилган бузоқ киёфаси пайдо бўлади ва у 8-15 граммни ташкил этади. Ушбу давр 26 кун бўлади. Хомила даври 61 кундан бошланиб бузоқ туғилганга қадар давом этади. Бу даврда хомила сифат ва миқдор жihatдан ўсади. Айниқса хомила вазни охириги 2 ойда жадал ўсади. Бу даврда кунлик вазн усиши 300-400 граммни ташкил этади. Ёки 5 ой охирида 2-4 кг бўлган хомила 7 ойлигида 12-16кг, $9\frac{1}{2}$ 25-40 кг бўлади. Шундай қилиб сунги $2-2\frac{1}{2}$ ой ичида хомила вазни 13-24 кг, ёки $\frac{2}{3}$ қисмга (туғиладиган бузоқ вазнига) кўпаяди.

Туғилгандан кейинги қорамоллар ҳаёти куйидаги даврилардан иборат: янги туғилганлик, сут, жадал усиш ва жинсий балогат, маҳсулдорликни жадал шаклланиши, фаолиятни гуллаб яшнаши, қарилик. Янги туғилганлик даври жавобгарли давр ҳисобланади, чунки янги туғилган бузоқ ҳали ташқи муҳит тасирига тайёр эмас, аъзолар фаолияти тикланади. Янги шароитга бузоқ 7-10 кунда мослашади. Тезроқ оғиз сути бериш керак. Сут даврида асосий озиқа сут ҳисобланади. 2-6 ойгача ичириладиган сут миқдоридан келиб чикиб давом этади. Озиқа ҳазм қилиш аъзоларини ривожланишига қараб усимлик озиқаларига ўргатилади.

Бузоқ туғилиб дам олгандан кейин, 1-1½ соат давомида дастлабки сут ичишини таъминлаш керак. Бунда йирик бузоқларга 2 кг, кичикларига 0,75-1кг сут ичирилади. Кейинги кунларда профилакторияда бузоқларга сут беришни тана вазнинг $\frac{1}{5}$ - $\frac{1}{4}$ қисмида бериш мумкин. Янги туғилган бузоқларнинг резистентлигини ошириш мақсадида витаминли препаратлардан фойдалинилади. Бузоқлар янги туғилганда уларнинг танасида терморегулясия тулик шаклланмаган бўлади, шунинг учун сақлаш шароитларига қаттиқ талаб қўйилади. Бузоқларга тинчлик ва узок ухлаш керак, шунинг учунларга иссик ётиш жойлари бўлиши керак.

Бузоқларнинг сут даврида уларнинг ошкозон-ичак тузилишини инобатга олган ҳолда озиклантирилади. Озиклантириш бақувват, мақсадга мувофиқ маҳсулдорликда ўстирилиши керак. Шу боисдан подани тўлдириш учун мўлжалланган таналар ва гўшт учун ўстирилаётганёш қорамолларга турли даража ва типдаги рационлар фойдалинилади. Сут ва сут-гўшт йўналишидаги подаларда бузоқларни икки хил усулда сут даврида сут ичирилади. 10-15 кунлик бузоқлар профелакториядан умумий бузоқхонага ўтказилади, 10-15 бошдан сут даврининг охиригача гуруҳлаб сакланади. Бир бош бузоқка 1,5-2 м² майдон ажратилади. Гуруҳларда бузоқлар ўхшаш бўлсин, уларнинг фарқи 10-15 кундан ошмасин.

Бузоқларга фақат соғлом сигирлар сути берилади. Сут ва каймоғи олинган сут миқдори хужаликда қабул килинган схема асосида амалга оширилади. Сут ичириш даври 3-5 ой, қисқартирилган усулда 50-60 кунни ташкил этади. Бу даврда бузоқларни озиклантириш унинг зоти, насл қиймати, мақсади, туғиш мавсуми ва хужалик имкониятларига каралади. Насл қийматига қараб бузоқларга турли миқдорда сут ва сут маҳсулотлари, пичан ва ширали озикалар берилади.

Дастлабки 30-40 кунда $\frac{1}{5}$ - $\frac{1}{6}$ тирик вазнга қараб сут ичирилади. Шундан кейин унинг ярми каймоғи олинган сут билан алмаштирилади. Пичан ейишга 10 кундан, ем 15-20 кунликдан, ширали озикалар 2 ойликдан

берилади. 11 кундан бошлаб бузоқларга ёғли сут алмаштирувчисини берса бўлади. Туйимлилиги бўйича 1,2 кг ёғли сут алмаштирувчиси 10 кг каймокли сутга тенг келади. 6 л гача сут ичирилганда 2 марта ичирилса етарли, бу тартибга 10-15 кунликдан утказган маъкул.

Киш пайтларида 10-15 кунликда бузоқларни 10-20 минутдан бошлаб яйратилади, кейинчалик 2-4 соатга етказилади. Ёзги пайтларда айвон ва яйраш майдончаларида устирилади. Энага сигирлар остида бузоқлар 60-70 кунлигача ўстирилади. энага остидаги бузоқлар сони сигир сутдорлигига каралади, ёки бир бузоқка 4,0-4,5 кг сут тўғри келсин.

Янги туғилган бузоқларни энага сигирлар тагига 5-6 кундан қўйилади. Гуруҳдаги бузоқлар ёши 10 кундан, тирик вазни 10 кг дан куп фарк килмасин. Хар бир сигир бузоқлар билан алоҳида катакларда сақланади.

А.П.Бегучев (1971) маълумотларига караганда турли тўқима ва аъзолар узига хос ривожланадн, шунингдек тана, шаклларининг ўзгариши ва танада оқсил ва ёғнинг тўпланиши ҳайвон жинси, ёши ҳамда озиклантириш типига боғлиқдир. Яхши шароитда ўстирилган бузоқ ва сут йўналишидаги урғочи таналар 12-14 ойликкача танада асосан оқсил моддаларини, кам микдорда ёғ туплайди. Ундан кейин танада ёғ ҳосил бўлиши жадаллашиб урғочи тананаларнинг урчиш хусусиятларига салбий таъсир курсатади. Шу боисдан урғочи бузоқлар ва таналар усиш ва ривожланишини устириш усулларини куллаб уларнинг тана ҳажми ва тирик вазнини ўзгартиришга эришиш мумкин.

Кўпчилик тажрибалар сигирлар сут маҳсулдорлигини шаклланишида таналарнинг биринчи кочириш ёшига нисбатан тирик вазни купрок аҳамиятга эга эканлиги исботланган. Кўпчилик тадқиқотлар шундан дарак берадики, биринчи тукқанда йирик зотлар ғунажинларининг ёши 24-28 ой, вазни эса 470-550 кг бўлгани маъкул.

Биринчи тугимни сигирларнинг 24-25 ойлигида ўтказиш биологик жихатдан асосланган, иктисодий самарали ҳисобланади. Бу эса урғочи таналарни ўстиришни жадаллаштиришни тақазо этади, ёки улар 15-16

ойлигида подадаги вояга етган сигирлар тирик вазнининг 65-70% ташкил этсин.

Янги туғилган бузоққа караш, унинг тўғри ўстиришдаги дастлабки кадам ҳисобланади. Янги туғилган бузоқ артилади, хомила олди суюқликларидан тозаланади, жуни куритилади, киндиги дезинфексия килинади. Шундан кейин у профилакторияга ўтказилади. Бузоқ туғилгандан кейин 2 соат ичида унинг тирик вазнидан катъий назар 1,5-2 кг оғиз сути ичирилиши керак.

ПРОФИЛАКТОРИЯ ДАВРИ. Бу даврнинг асосий хусусияти бузоқ дастлаб оғиз сути, кейинчалик эса ёғли сут ичади. Бу даврда бузоқларни якка катакларда сақлаш уларнинг саломатлиги гарови бўлиб сут ичиришни осонлаштиради. Оғиз сути бу даврда ягона озиқа булиб уз таркибида усиш ва саломатлигини сақлаш учун зарур моддаларга эга. Ёғли сутга нисбатан оғиз сути таркибида курук моддалар, оксил, ёғ, минерал моддалар анча куп. Бундан ташкари у уз таркибида алоҳида модда гамма глобулин сақлайди.

Биринчи 24 соат ичида бузоқларга сут энг камида 1,5 -2 л дан 3 марта ичириш тавсия этилади. Иккинчи марта оғиз сути бузоққа биринчи ичиришдан кейин туғилгандан 6 соатдан кейин ичирилиши шарт. Бу даврда албатта бузоқлар оғиз сути ва сутни оналаридан олишлари керак. Бу давр 15 кун давом этади. Давр охирида бузоқларни 2 махал сут ичиришга ўтказган маъкул.

Профилактория туғриқ булими таркибига кириб у барча зоогигиеник талабларга жавоб бериши керак. Йил давомида ҳарорат 10-15 С нисбий намлик 75% гача бўлиши таъминланиши керак. Бу булимда якка катаклар 2 қатор жойлаштрилиб ўртасида йўлак бўлади. Катак деворлари темир, тахта ёки пластик ойнадан бўлиши мумкин, таги эса тиркишли бўлади, чунки ахлатлар доимий пастга тушиб туриши керак. Катакнинг олди қисмида охур, орқа қисмида эса эшик жойлашган.

Ўзбекистон шароитида бузоқларни ёшлигидан бошлаб профилактория

уйларда устириш имконияти бор. 100 бош қорамолга ўртача 16 профилактория уйи тўғри келади. Уйчалар бир-биридан 70-100 см ораликда жойлаштирилади. Бир уйчадан бир йилда 6 та бузоқ ўтади. Уйча катак булиб (фанердан бўлса мақсадга мувофиқ) усти ёпилган бўлади. Ўлчамлари: узунлиги 220 см., эни 120 см, олди тусик баландлиги 120 см. орқаси 110 см. Уйчанинг ички қисмини полиетелин пленкаси билан коплаб қўйилса фанер девор хўл булмайди. Уйчада дағал ва мирерал озиқаларга охур, ҳамда сут ичириш учун мослама ўрнатилади. Уйча тагига 25-30 см қалинликда қиринди ёки 6-7 см қилиб майдаланган сомон ёки поҳол тўшалади. Кейинчалик ҳар 2-3 кунда 1-2 кг сомон тушама солиб борилади. Қуруқ тўшама, елвизакнинг йўқлиги, бузоқларни уй-профилакторияларда очик хавода ўстириш имконини беради. Уйчада олдинги деворнинг булмаслиги бемалол қириб-чикиб юриш имконини беради. Бузоқ эркин яйреши учун уйчанинг олдинги қисмига 180-120 см сим тур ёки театадан тусик қилиб олдинги қисмидан эшик қўйилади. Ёмғир пайтида уйчалар тахта устига қўйилади, у уйчанинг ҳар томонидан 10 см қиқиб туриши, тахталар ораси 1,5-2 см очик қолсин.

Қиш пайтида уйчанинг олдинги қисми мато билан ёпиб қўйилиши мумкин. Ҳарорат - 10°C ошиб шамол булса мато ёпиб қўйилади, лекин бузоқ бемалол қириб-чикиб тураверади. Агар ҳарорат - 10°C паст булса мато очиб қўйилади, акс ҳолда уйча ичида зарарли газлар миқдори кўпайиб кетиб бузоқ соғлигига салбий таъсир қурсатиши мумкин. Оғиз сути таркибида купинча витаминлар ва микроэлементлар етишмайди, бунда бузоқ қонини текшириб ишонч ҳосил қилса бўлади. Бундай пайтларда туғилганидан бошлаб 1,5-2 ойгача 6-7 кунда бир марта бир бошга 5 мл тривитамин ва 1 мл витамин В12 ни венасига юбориш, микроэлемент сифатида тузлар йигиндисидан 1 кунда 1 марта бериш керак. Бузоқларни озиклантириш улардан кунига 650-700 г қўшимча вазн олиш юзасидан амалга оширилади. 10-15 кунгача бузоқ фақат она оғизи ва ёғи олинган сути билан боқилади, кейин аралаш сутга утказилади. Ҳар бир бузоққа алоҳида раками ёзилган сут ичириш идиш ва сургичи ажратилади, у ракам уй-про-филакторий ракамига тўғри қелиши

керак.(У.Носиров ва бошқалар,1989) Аралаш ёғли сут албатта соғлом сигирлардан олинган бўлиши керак.

Ёши, кун	Киш фаслида					Ёз фаслида				
	Ёғли и сут	Пичан кайнат маси	Оми хта ем	Беда пича н	Ош тузи	Ёғли и сут	Пичан кайнат маси	Омихт а ем	Кук озик алар	Ош тузи
2-10	5	ўр-ш	ўр-ш	ўр-ш	5	5	0,5	ўр-ш	ўр-ш	хохл аг
11-20	7	0,5	-	-	хохлаг	7	0,5	0,2	-	-
21-30	7	0,5	0,4	0,5	-	7	0,5	0,2	0,4	-
31-40	6	1,0	0,4	0,7	-	6	1,0	0,3	0,6	-
41-50	6	1,0	0,5	0,8	-	6	1,0	0,4	0,8	-
51-60	5	1,0	0,6	1,5	-	5	1,5	0,5	1,2	-
58 кунда жами	35,0	4,0	1,9	3,5	-	35,0	4,5	1,4	3,0	-

Бузоқлар дагал озиқаларга (сифатли пичан, сулитилган кук беда) 10 кунликдан ургатилади, дастлаб суткасига 100-150 г дан бериб, кейинчалик секин ошириб борилади, 2 ойлигида 800-1000 г етказилади, 35 кунда бузоқ 35 кг пичан истеъмол қилади. Омихта емга бузоқлар 10 кунлигидан ургатилади, уларга дастлаб 100-150 г, кейинчалик унинг миқдори бир ойлигида 400-500 г, 2 ойлигида эса 1000 г га етказилади, 40 кун давомида 19 кг ем истеъмол қилади. Албатта бу рационга озиқалар бузоқнинг аъзоларининг анатомик ҳолати ва физиологик фаолиятини инобатга олган ҳолда амалга оширилади. Наслчилик хужаликларида сут даврида 350 кг ёғи олинмаган ва 330 кг каймоғи олинган сут берилади. Оддий хўжаликларда усиш жадаллигини инобатга олиб ёғи олинмаган сут миқдорини бироз қисқартириш мумкин. Оддий хўжаликларда бир қисми ёғли сутни сут алмаштирувчи ҳолида бериш мумкин. **(ЎЗЧИТМ ишланмаси).**

100 кг сут алмаштирувчиси тайёрлаш учун: пахта шроти 24-34 кг, арпа уни 25-27 кг, маккажухори уни 38-35, ачиткилар (курук) 5, беда уни 6, бур 1-

1,5, туз 0,6 кг. Ушбу аралашма каймоги олинган сутда эритилади унга сув, балик ёғи, шакар, террамисин ва микроэлементлар кушилади (кобалт хлорид, марганес сулфат, мис, темир, калий йод). Сунъий сут АЗМ-0,8 курилмасида тайёрланади. Технологик жараён куйидагича: аралаштиргичга 400 л сув қўйилади (иложи бррича кайнок) унга шнек ёрдамида 100 кг омихта ем солинади. Аралашма 85-90°C иситилади, 1 соат давомида аралаштиргич ёрдамида қўйилтирилади. Кейин у 75-70°C ҳароратга пасайтирилади ва 300 л каймоги олинган сут қўйилади.

Еғ қўшимчалар, антибиотик, микроэлементлар ва витаминлар аралашмаси ҳарорати 50°C пасайгандан кейин кушилади. эмулгатор ёрдамида бир хил суюкликка айлантирилади, совитилиб бузоқларга ичирилади. Хар бир бузоққа сут алоҳида пакирда ичирилади. Бузоқларга ичириладиган сут, сут алмаштирувчиси, каймоги олинган сут, янги ва тоза булиб ичириш пайтида биринчи ойда 30°C, иккинчи ойда эса 30-35°C, кейинги ойлarda 20-25°C булса бўлаверади.

Бузоқларнинг биринчи 40-50 кунлигида бир кеча-кундузда туғилгандаги тана вазнининг 1/4-1/5 микдорида берилиб, кейинчалик секин камайтирилади. Бузоқларни озиклантириш уч махал. Қаймоғи олинган сут бузоқларга 31 кундан бошлаб ичирилади. Бузоқ ларни овкат ҳазм қилиш қобилятини кучайтириш мақсадида сут ичиргандан 1 соат кейин қайнатиб совитилган сув берилади, айниқса бу нарсани бизнинг шаротимизда ёзда эсдан чиқармаслик керак.

Бузоқларни ёшлик пайтидаёқ ем, дағал ва ширали озиқаларни ейишга ўргатиш керак. Бу тадбир уларнинг ошқозон-ичак тизими ҳажмини катталашиши ва фаолиятини кучайишига олиб келади, бундай ҳайвонлар келажакда сигир бўлганида катта ҳажмдаги озиқаларни истемол қилиб, ҳазм қилиш натижасида кўп сут бериш қобилятига эга бўлади. Бу пайтларида бузоқлар охурларида доим янги урилиб бироз сулитилган беда бўлиши мақсадга мувофиқдир. Дағал ширали ва ем озиқалар 3 ойликкача аравачаларда келтириб берилади, кўл билан тарқатилади.

Урғочи таналарнинг ва ғунажинларнинг устирига бўйича институт микёсида қатор ишлар қилинган (**И. Максудов**) улар тўғрисида тўхташ мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Биринчидан Ўзбекистон учун режали қора-ола зотли сермахсул сигирлар устириш имкониятлари очиқ берилган. Биргина қора-ола зотини голштин зоти билан чатиштириб олинган дурагай таналар 18 ойлигида узларининг соф зотли тенг урларига нисбатан 2 кг. биринчи туққанда 37 кг куп тош босиб 1 лактасияда 3601 кг ёки 161 кг куп сут берган. Кафедрада подани тулдирувчи қора-ола зотли урғочи таналар ва ғунажинларни турли сақлаш усулларида устириш имкониятлари исботлаб берилди.

Урғочи таналар ва ғунажинлар бинолар ичида яйраш майдончаси ва мажбурий хайдаш (2-3 км), бино ичи ва яйраш майдончаларида, ҳамда уч деворли айвонли, очиқ майдончаларда ўстириш натижалара қуйидагилардан иборат бўлди, 18 ойликда улар вазни 319, 344, 341, 336 кг бўлиб, биринчи туққанда эса 489, 500, 485, 491 кг вазнга эга бўлиб, 1 лактасияда улар 3181, 3453, 3326, 3435 кг сут бериб эркин ҳаракатлантириш ва очиқ майдончаларда ўстириш урғочи таналар ва ғунажинларни яхши ўсиб юқори сут маҳсулдорлигини шакллантириш гарови бўлар экан. Ёки урғочи таналарни кишда айвонли майдончаларда езда сунъий яйловларда устириш (**И. Максудов, Б. Абдурахимов**) нафақат соғлом ва сер маҳсул сигирлар устириш имкониятлари бериши исботланган, ёки бундай биринчи тугим сигирлар вазни анъанавий усулда устирилган сигирларнинг тирик вазнига нисбатан 30-50 кг, 1 лактасиядаги сути эса 500-700 кг юқори бўлини аниқланган.

Республикамиз шароитида емнинг чегараланганлиги ва кимматли подани тулдирувчи урғочи таналарни ўстиришда ундан оқилона фойдаланишни тақоза этади. Шу боисдан кафедрада урғочи таналар ва ғуножинларни ўстиришда рацион туйимлилигини 15, 20, 30, 40 % ем ташкил қилганда уларнинг усиш ва ривожланишини, ҳамда сут маҳсулдорлигини шаклланиши хусусиятлари ўрганилган. Шу аснода ўстирилган урғочи таналарнинг 18 ойликдаги тирик вазни 341, 352, 360 кг, 1 туққанда эса 433, 453 ва 481 кг

ташқил этиб, 1 лактация натижаларига кўра 3294, 3403, 3764 ва 3578 кг сут бериши, сермахсул сигирлар ўстиришда рацион таркибида 30% атрофида ем бўлиши сут маҳсулдорлигини шаклланишига ижобий таъсир этиши, ем 15-20% булганда тана ва ғунажинларни ўсишига салбий таъсир этиб, сут маҳсулдорлигини бироз паст бўлишига сабаб бўлади.

Рацион таркибида еми 40% бўлиши тана ва ғунажинларни меъёрдан ошқича семиришига сабаб бўлиб йирик сут-гўшт типдаги сигирларни шаклланишига олиб келади ва сут маҳсулдорлигига ижобий таъсир этмайди. Ўзбекистонда урғочи таналар ва ғунажинларни ўстириш билан шуғулланувчи хўжаликларнинг озиқа захиралари ва имкониятлари бир хил эмас. Шунингга олиб келадиган турли мулк шаклидаги, ҳар хил озиқа захиралари мавжуд хўжаликлар урғочи таналар ва ғунажинларни ўстириш юллари аниқланган. Бунда меъёр бўйича устирилган; меъёрдан ошқича жадал ўстирилган; 6 ойгача жадал 6-18 ойликда меъёрда, 18 ойдан тўққунча жадал устирилган; 18 ойликкача меъёрда 18 ойликдан тўққунча жадал, 16 ойликдан тўққунча ўртача устирилган урғочи тана ғунажинлар ўсиш ривожланиши, ва сут маҳсулдорлигини шаклланиши ўрганилган.

Бу тадқиқотлар жадал ўстирилган таналар жуссаси йирик, вазни катта бўлиб, меъёрда устирилган таналарга нисбатан 18 ойлигида 28 кг 1 тўққунда 36 кг кўп тош босган, шунингдек бутун устириш давомида жадал усулни куллаш уларда юқори сут маҳсулдорлигини шаклланишига олиб келар экан. Жадал устирилган биринчи тугим сигирлар энг кўп 3640 кг сут бериб бошқа гуруҳларга нисбатан 520, 292, 437 ва 446 кг кўп сут бериши аниқланган.

Айниқса бу усул озиқа етиштиришда муаммолари бор хўжаликлар учун кул келиб узлари учун кулай усулларни танлаб олиш имкониятини беради. Купайиш кишлоқ хўжалик ҳайвонларида мураккаб биологик жараён бўлиб, подани қайта тиклашни таъминлайди. Умуман бу жараён уз ичига жинсий сикл, Бўғозлик, туғиш, ва туғишдан кейинги даврни ташқил этади. Жинсий балогат ёки авлод қолдиришга қобилият, кишлоқ хўжалик ҳайвонларида ривожланишнинг тугаши ва жисмоний балогат ёшига нисбатан

анча эрта руй беради. Бузоқлар туғилган кунидан уларнинг қонида эстроген мавжуд булиб, 1,0-1,4 мкг., 2-3 ойлигида тухумдонларда ўзгаришларни сезиш мумкин эстроген гармонлар 1,6-1,8 мкг гача купаяди. 4 ойлигига келиб жинсий гормонлар қонда 6,9 мкг, 6-7 ойлигида эса 22 мкг га етади.

Жинсий балогат ёшигача тухумдоннинг гормонол фаолияти жуда суёт бўлади. Шахсий ривожланишнинг даётлабки даврларида гормонлар ҳосил бўлиши унинг парааланишига нисбатан юкори бўлади. Жинсий балогат ёши бузоқларни озиклантириш меъёрларига ва сак лаш усулларига боглик. Етарли озиклантирилмаган рацион таркибида протеин, макро ва микроэлементлар витаминлар етишмаслиги жинсий балогатга етишни 2-3 ойгача кечиктириб юборади. Айникса бузоқларни зич коронги, хавоси бузук, совук ва зах биноларда саклаш уларни жинсий фаолиятини шаклланишига салбий таъсир курсатади.

Урғочи бузоқлар ва таналарни ёруғ, яхши, шамоллатиш имконияти бор, намлик меъёрда биноларда саклаш уларнинг жинсий жихатдан меъёрда уйғонишини таъминлайди. Айникса бузоқларни яйратиш, хар куни 2-3 км мажбурий хайдаш очик майдончаларда устирига уларнинг жинсий фаолиятини гуркиратиб тез жинсий ва жисмоний балогатга етишига ижобий таъсир курсатади. Бу уринда қорамолнинг зоти ҳам жинсий балогат ёшига таъсир эта ди, тез етилувчан зотларда эртарок, йирик ва гушт йўналишидаги зотларда бироз кечрок руй беради. Умуман олганда жинсий балогат урғочи бузоқларда 8-10 ойлигида руй беради, баъзида эса бироз эртарок ҳам руй бериши мумкин, шунинг учун кузда тутилмаган жуфтлашишларнинг олдини олиш 7 ойлигидан бошлаб эркак ва урғочи бузоқларни алоҳида саклаш тавсия этилади.

Жинсий балогатга етиши ҳамона тухумдонда даврий равишда фолликулалар ҳосил булиб, тухум хужайраси етилиб, жинсий аъзоларнинг эндокрин фаолияти кучаяди. Руй бераётган ўзгаришлар хар ҳайвон турига хос ташқи феъл-атворда уз аксини топади, яъни уларда жинсий сикл кузатила бошлайди, жинсий куйикиш ва мойиллик аломатларини кузатиш мумкин,

шунингдек ташқи жинсий аъзоларда ҳам ўзгаришлар руй беради. Бу даврда урғочи таналар ва ёш таналарнинг фавқулодда жинсий ковушиши Бўғоз бўлишга олиб келади, бу ҳолат ҳайвоннинг усиш ва ривожланишига салбий таъсир курсатади, туғиш кийин кечади, бундай сигирлар жуссаси кичик, маҳсулдорлиги паст бўлади. Шу боисдан урғочи таналарни кочириш албатта жисмоний (физиологик) балоғатга етгандан кейингина эмалга опшрилиши шарт. Бу даврда ҳайвонлар жуссаси катталашиб, мустаҳкамланади, жинсий фаолият муътадиллашади, ҳайвон оталааниш ва хомила кутаришга тайёр бўлади.

Жисмоний балоғатга етишни урғочи таналарни жадал устириш ва яхши шароитларда сақлаш тезлаштиради ва подани киска муддатларда сермахсул сигирлар билан таъминлаш имконини беради. Купгина ривожланган мамлакатларда (**Исроил, Европа, Шимолий Америка**) урғочи таналар 13-15 ойлигида 350-400 кг вазнда кочирилмоқда. Ўзбекистон шароитида турли усулларда устирилган урғочи таналарни 16-18 ойлигида вазни 340-350 кг ёки подадаги вояга етган сигирлар вазнининг 65-70% бўлганда кочириш мақсадга мувофиқдир. Куп тажрибалар шундан далолат берадики, (**М.Максудов 1994**) шу ёшда жинсий фаолият жўш урган бўлади, урғочи таналарда жинсий сикли уз вақтида утиб, куйикиш ва мойиллик фаол кечади, натижада яхши уругланиб, оталаниш руй беради. Кочириш индекси борюги 1,5-2 ташкил этади.

Урғочи таналарни иложи борида авлодларининг маҳсулдорлиги бўйича баҳоланган ва яхшиловчи деб тан олинган буқаларнинг музлатилган уруглари билан кочириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, фақат наслчилик хужаликларда биноан жуссаси кичик буқаларни танлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Сунъий уруглантириш ижобий шатижалар бермаган урғочи таналарни асл буқалар билан кулдан кочириш самара беради. Урғочи таналарни кочириш даврида мамлакатимизнинг иқлим ҳудудлари ва йил фасларини ҳам инобатга олиш мумкин.

Урғочи таналарни уз вақтида кочириб Бўғоз килиш муҳим зоотехникавий ва иктисодий омил булиб ҳисобланади. Чунки урғочи таналар

ёши улгайиши билан уларнинг жинсий фаолияти сустлаша боради, кайсики оталаниш курсаткичларига салбий таъсир курсатади (И.А.Даниленко; 1978) маълумотларига Караганда 18 ойлик таналар кочирилганда эталанмаганлари 4-8% булгани ҳолда 24 ойликда бу курсаткич 16--25% ташқи л қилади.

Урғочи таналарни муддатидан утиб кочириш йил давомида сигирлардан олинган сут микдорини камайишига ва сигир устириш харажатларини купайишига сабаб бўлади.

Н.Г.Дмитриев ва И.М.Борисов (1982) маълумотларига караганда- 24 ойлигида биринчи марта туккан сигир 10 йил хужаликда фойдаланиш мобайнида 36 ойлигида туккан сигирга нисбатан 60% куп сут , бузоқ ва 50% куп гушт бериши мумкин.

Шундай килиб урғочи таналарни меъёрда устириб уз вактида кочириш подани кайта тиклаш ва уни такомиллаштиришда муҳим омил булиб ҳисобланади.

III. Андижон вилояти, Олтинкўл туманидаги “Бахт Имкон Ривож”

насилчилик фермер хўжалигининг табиий - иқтисодий

ТАВСИФИ.

Андижон вилояти, Олтинкўл туманидаги “**Бахт Имкон Ривож**” насилчилик фермер хўжалигининг фермаси 2006 йили “Вилоят мулкни хусусийлаштириш аукциони” да “Тошкент” ширкат хўжалигидан сотиб олинган бўлиб, Андижон – Олтинкўл катта трасса йўлини бошланишида ўнг томонда жойлашган. Фермер хўжалиги шимолдан ва шарқ томондан Андижон тумани билан, ғарбдан ва жануб томондан Олтинкўл туманидаги Фермер хўжаликлари экин майдонлари ва аҳоли яшаш пунктлари билан чегарадош хўжалиқдир. Фермер хўжалиги насилчилик йўналишида бўлиб, асосан швиц зотли қорамоллардан иборат. Фермер хўжалигида асосий маҳсулот сут ишлаб чиқариш ва турли чорвачилик фермер хўжаликларига насли хайвонларни етиштириб беришга ихтисослашган. Фермер хўжалиги янги ташкил этилган вақтларда маҳсулот ишлаб чиқариш бир мунча паст кўрсаткичларда эди.

Хозирги кунда фермер хўжалигида бир қатор самарали ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Шулар жумласига 2011 йил июн ойида Германия мамлакатларидан чорва молларини наслини яхшилаш ва улар бош сонини кўпайтириш мақсадида олиб келинган 93 бош Швиц зотли қорамолларни ва шу жойда уларни кўпайтириш борасида олиб борилаётган ишларни, 2012 йил январ ойида Польша давлатидан олиб келинган 100 бош қора – ола зотли, юқори насли урғочи таналарни, насл олиш ва уни такомиллаштириш мақсадида Франция давлатидан олиб келинган 4 бош қора – ола зотли насли буқаларни мисол қилиш мумкин. Бундан ташқари фермер хўжалигида қўл меҳнатини енгиллаштириш мақсадида 2010 йилда Россия давлатидан сигирларни индивидуал соғиш машиналари сотиб олинган. Бугунги кунда Россия давлатидан яна бир “Арча” русумли сут соғиш қурилмаси сотиб олинди ва ҳозирда ушбу қурилмани ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда. Фермер хўжалигида 50 та ишчи мавжуд бўлиб, хўжалик томонидан уларга иш вақтини мазмунли ташкил этиш, дам олиш ва бошқа ишлар учун етарли

шароитлар яратилган. Фермер хўжалигининг чорва ҳайвонларини умумий бош сони динамикаси қуйидаги 1 – жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Андижон вилояти, Олтинқўл туманидаги “Бахт Имкон Ривож” наслчилик фермер хўжалигининг чорва ҳайвонларини умумий бош сони динамикаси (бош).

т/р	Ҳайвонлар тури	Йиллар			2013 йилда 2011 йилга нисбатан, %
		2011	2012	2013	
	Жами қорамоллар	487	680	736	151
	Шу жумладан:				
1.	Соғин сигирлар	122	152	183	150
2.	Ғунажинлар	119	146	150	126
3.	Бир ёшдан кичик бузоқлар	105	129	142	135
4.	Бир ёшдан катта бузоқлар	107	145	154	144
5.	Бўрдоқи моллар	30	86	85	283
6.	Наслли буқалар	4	22	22	550

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики охириги уч йил давомида фермер хўжалигида қорамоллар бош сони кескин ортиб борган. Жумладан, соғин сигирлар 2011 йилда 122 бошни ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб 183 бошга етказилган, бу 2011 йилга нисбатан 150% ни ташкил этади. Ғунажинлар 2011 йилда 119 бош бўлган бўлса, 2013 йилга келиб 183 бошга етган, уни 2011 йилга нисбатан олсак 126% ни ташкил этади. Бир ёшдан кичик ёшдаги бузоқлар билан жорий йилда туғилган бузоқлар сонини қўшиб ҳисоблаганда 2011 йилда 105 бош бўлган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 142 бошни ташкил этган ва 2011 йилга нисбатан 135% га тенг бўлган. Бир ёшдан катта бузоқлар 2011 йилда 107 бош бўлса, 2013 йилда 154 бошга етказилган, бошқача қилиб айтганда бу кўрсаткични 2011 йилга нисбатан олганда 144% ни ташкил этади. Бўрдоқи моллар сони 2011 йилда 30 бош бўлган, 2013 йилга келиб 85 бошни ташкил этмоқда, яъни 2011 йилга нисбатан 283% га тенг бўлмоқда. Бунинг асосий сабаби пода таркибидаги наслга яроқсиз ҳайвонлар, қарилиги сабабли брак қилинган молалар ва катта ёшли ҳайвоналар бўрдоқига боқиб, кейинчалик гўштга топшириб юборилган.

Наслли буқалар сони 2011 йилда 4 бош бўлган бўлса, 2013 йилда 22 бошни ташкил қилмоқда, яъни 2011 йилга нисбатан 550% га тенг бўлган. Бунинг сабаби шундаки фермер хўжалиги 2013 йилда чет давлатдан наслли буқаларни кўп сонда олиб келган ва хўжаликни ўзида ҳам наслли буқаларни кўпайтиришга ҳаракат қилаган. Хўжалик шу йилдан бошлаб тумандаги ва вилоятдаги барча чорвачилик фермер хўжаликларига насл сифати юқори бўлагн қорамоллар уруғини етказиб беришни мақсад қилиб иш олиб бормоқда. Умуман олганда ҳайвонларнинг бош сонини бундай кескин кўтарилишига асосий сабаблар, четдан келтирилган моллар ҳисобига ва фермер хўжалигида олиб борилаётган ижобий ишлар самараси ҳисобланади.

Олтинкўл тумани ҳокимлигининг 2006 йил декабр ойида чиқарилган қарорига асосан **“Бахт Имкон Ривож”** фермер хўжалигига 77 гектар суғориладиган ер ажратиб берилган. Кейинчалик фермер хўжалигига пахта етиштириш учун 43 га ер кўшиб берилди. Фермер хўжалигида қорамолларни озиқлантириш учун турли озиқавий экинлар етиштириб келинмоқда. Лекин, бу экин майдонлардан етиштирилаётган маҳсулотлар ҳайвонларни йиллик озиқага бўлган талабини қондира олмайди. Бу муаммони бартараф этиш учун фермер хар йили бошқа хўжаликлардан турли озиқаларни сотиб олишга мажбур бўлмоқда. Фермер хўжалигида ердан фойдаланиш кўрсаткичларини куйидаги 2- жадвалда келтириб ўтамыз.

2-жадвал.

Андижон вилояти, Олтинкўл туманидаги “Бахт Имкон Ривож” наслчилиқ фермер хўжалигида ердан фойдаланиш кўрсаткичлари (га).

т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар			2013 йилда 2011 йилга нисбатан, %
		2011	2012	2013	
	Жами ер майдони	120	166	172	143
	Шу жумладан:				
1.	Ферма майдони	6	6	6	100
	Экин майдонлари:	114	160	166	145
1.	Пахта	22	-	-	-
2.	Буғдой	28	36	36	128
3.	Беда	52	78	78	150

4.	Макка	12	30	30	250
5.	Озиқа қизилчаси	6	16	22	366

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалиги учун жами 2013 йилда 172 гектар ер майдони ажратилган бўлиб, ундан 6 гектарини ферма иншоатлари эгаллаган. Хўжаликда 2012 йилда 22 гектар майдонга пахта экилган. Хўжаликнинг иқтисодий жihatдан ривожланаётганлиги ва наслчиликни юқори даражада ривожлантириш учун, ҳамда чорва молларига мустахкам озиқа баъзасини яратиш мақсадида Вилоят хокимининг буйруғи билан ушбу фермер хўжалигидан пахта майдонларини ўрнида озиқавий экинлар экишга бўшатиб берилди. Буғдой учун ажратилган ер майдони 2011 йилда 28 гектар бўлиб, 2013 йилда 36 гектарни ташкил этган. Бу 2013 йилда 2011 йилга нисбатан 128% ни ташкил этади. Ушбу ҳолат чорва ҳайвонларини озиқлантириш учун такрорий озиқавий экинларни кўпроқ экиш имконини беради. 2011 йилда юқори озиқавийлик қийматига эга бўлган беда экини 52 гектар майдонга экилган бўлса, 2013 йилга келиб 78 гектар майдонга экилган. Бу чорва моллари учун қишки озиқлантириш мавсумида беда пичани ва беда сенажини кўп миқдорда тайёрланиш имкониятини беради. 2011 йилда маккажўхори дони етиштириш учун жами 12 гектар майдон ажратилган бўлса, 2013 йилда 30 гектар майдонга маккажўхори экини экилди. Бу 2013 йилда 2011 йилга нисбатан 250% ни ташкил этади. Озиқавий қизилча 2011 йилда 6 гектар майдонга экилган бўлса, 2013 йилда 22 гектарга экилди. 2011 йилга нисбатан олганда 366% ни ташкил этади. Жами экин майдонлари 2011 йилда 114 гектарни ташкил этган бўлса, туман хокимлигининг буйруғи билан қўшиб берилган ер майдонлари ҳисобига 2013 йилда 166 гектарни ташкил этди. Бу ҳолат фермер хўжалигида озиқа етишмаслиги муаммосини бартараф этишдаги масалани ҳал қилувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Хўжаликнинг ем хашак базаси дағал, ширали ҳамда донли озиқалардан ташкил топган бўлиб, такрорий экинлардан маккажўхори силос учун экилади.

Чорва хайвонларини етарли даражада озиқалар билан таъминлаш учун экин майдонлари етарли. Бу экин майдонларига экинларни етарли миқдорда экиш учун махсус техникалар мавжуд. Чорва хайвонларига озиқаларни меъёрида етказиб бериш учун экинларни режа асосида экилади. Қишки мавсумга эса қурилишган дағал озиқалар ва ширали озиқалар жамғармаларга босилиб қўйилади.

Фермер хўжалигини экин майдонларидан фойдаланиш ҳолатини қуйидаги жадвалда келтириб ўтамыз.

3-жадвал.

***Андижон вилояти, Олтинкўл туманидаги “Бахт Имкон Ривож”
наслилик фермер хўжалигида экин майдонларидан фойдаланиш ҳолати
ва уларнинг ҳосилдорлик кўрсаткичлари.***

т/ р.	Экин турлари	Ўлчов бирлиги	2011		2012		2013
			режа	ҳақиқ	режа	ҳақиқ	режа
1.	Пахта	га	22	22	-	-	-
2.	Буғдой	га	28	28	36	36	36
3.	Беда пичан учун	га	52	52	78	78	78
4.	Маккажўхори дон учун	га	12	12	30	30	30
5.	Озиқа қизилчаси	га	6	6	16	16	22
6.	Такрорий экинлар (Маккажўхори силос)		28	28	36	36	36
<i>Ҳосилдорлик</i>							
1.	Пахта	цент.	30	29	-	-	-
2.	Буғдой	цент.	65	63	65	64	65
3.	Беда пичан	цент.	120	120	120	124	120
4.	Маккажўхори дон учун	цент.	75	84	80	85	80
5.	Озиқа қизилчаси	цент.	620	610	620	630	620
6.	Такрорий экинлар (Маккажўхори силос)	цент.	120	123	130	135	130
<i>Ялли ҳосил</i>							
1.	Пахта	цент.	660	638	-	-	-
2.	Буғдой	цент.	1820	1764	2340	2304	2340
3.	Беда пичан	цент.	6240	6240	9360	9672	9360
4.	Маккажўхори дон учун	цент.	900	1008	2400	2550	2400
5.	Озиқа қизилчаси	цент.	3720	3660	13640	10080	13640

6.	Такрорий экинлар (Маккажўхори силос)	цент.	3360	3444	4680	4860	4680
----	---	-------	------	------	------	------	------

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики экин майдонларидан олинган ҳосилдорлик: буғдойдан 2012 йил режа бўйича 65 центнер кутилган бўлса, ҳақиқатда 64 центнерга эришилди. Беда пичанидан кутилган ҳосилдорлик 120 центнер бўлиб, ушбу кўрсаткич 103% га бажарилган. Маккажўхори дони 80 центнер режалаштирилган бўлиб, бу кўрсаткич 5 центнер ортиғи билан, яъни 85 центнерга бажарилган. Озиқа қизилчаси 2012 йилда 620 центнер режалаштирилган бўлса, ҳақиқатда 630 центнердан ҳосил олинган. Фермер хўжалиги 100% буғдой экилган майдонларда такрорий экинлар (маккажўхори силос учун) экиб келмоқда. Такрорий экинлардан 2012 йилда ўртача 130 центнер ҳосилдорлик режалаштирилган, аслида эса бу кўрсаткич 135 центнерга яқунланган. 2013 йилда буғдойдан 65 центнер, бедадан 120 центнер, маккажўхори донидан 80 центнер, озиқавий қизилчадан 620 центнер ва такрорий экинлардан 130 центнердан ҳосил олиш режалаштирилмоқда.

Давлатга гўшт, сут маҳсулотлари шартнома асосида сотилиб келинмоқда. Хўжаликда насилчилик ишлари йўлга қўйилган бўлиб, вилоят насилчилик хиссадорлик жамияти билан шартнома асосида уруғлар олинади. Олинган уруғларнинг аксарияти Германия “Голштин” зоти, “Швиц” зоти ва Америка уруғлари бўлиб, насл сифатини яхшиланишига олиб келмоқда.

“Бахт имкон ривож” наслчилик фермер хўжалигининг пода таркиби асосан соғин сигирлардан таркиб топган. Бу хўжалик чорва маҳсулотларидан асосан сут ишлаб чиқаради. Шу билан биргаликда қисман гўшт маҳсулоти ҳам етиштирилади. Пода таркибини тўлдириш учун фермер хўжалиги ҳар 100 бош соғин сигирдан йилига ўртача 85-87 % дан бузоқ олиб келмоқда.

Фермер хўжалигида чорвачилик тармоғида ўз имкониятларидан фойдаланган ҳолда бир нечта турдаги маҳсулот ишлаб чиқаради ва ушбу ишлаб чиқаришдан келган даромадлар ҳисобига ўзининг иқтисодий базасини

мустахкамлаб келмоқда. Фермер хўжалигида 2012 йилдаги чорва маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари ва унинг таннархи 4- жадвалда кўрсатилган.

4-жадвал

**Андижон вилояти, Олтинқўл туманидаги “Бахт Имкон Ривож”
наслчилик фермер хўжалигида 2011 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ва
олинган даромади.**

т/р.	Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	2012 й
Маҳсулот ишлаб чиқариш			
1.	Буғдой	Центнер	2304
2.	Сут	Центнер	11834
3.	Гўшт	Центнер	281
Бир бирлик маҳсулотни сотиш баҳоси			
1.	Буғдой	Сўм	850
2.	Сут	Сўм	1220
3.	Гўшт	Сўм	11200
Маҳсулот сотишдан олинган пул даромад			
1.	Буғдой	м.сўм.	195840
2.	Сут	м.сўм.	1443748
3.	Гўшт	м.сўм	314720
Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари.			
1.	Дон	м.сўм	179720
2.	Сут	м.сўм	1106479
3.	Гўшт	м.сўм	297860
Бир бирлик маҳсулот таннархи			
1.	Дон	сўм	780
2.	Сут	сўм	935
3.	Гўшт	сўм	10600
Маҳсулот сотишдан олинган соф даромад			
1.	Дон	м.сўм	16120
2.	Сут	м.сўм	337269
3.	Гўшт	м.сўм	16860
Рентабеллик даражаси			
1.	Дон	%	8.96
2.	Сут	%	30.5
3.	Гўшт	%	5.66

Ушбу жадвал маълумотлари хўжаликнинг йиллик иқтисодий кўрсаткичларини белгилайди. Унга кўра фермер хўжалигида 2012 йилда буғдой дони 2304 центнер ишлаб чиқарилган. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун

179720 минг сўм сарфланган. Бир килограмм буғдой таннархи 780 сўмдан тўғри келмоқда. Буғдойни сотишдан олинган пул даромади 195840 минг сўм бўлган. Махсулот сотишдан олинган соф даромад 16120 минг сўмни ташкил этгани холда, рентабеллик даражаси 8.96% га тенг бўлган.

Фермер хўжалигида 2012 йилда 11834 центнер сут ишлаб чиқарилган. Махсулотни ишлаб чиқариш учун 1106479 минг сўм сарфланган. Бир килограмм сут ишлаб чиқариш таннархи 935 сўмга тўғри келмоқда. Сутни сотишдан олинган пул даромади 1443748 минг сўм бўлган. Махсулот сотишдан олинган соф даромад 337269 минг сўмни ташкил этгани холда, рентабеллик даражаси 30,5% га тенг бўлган.

Фермер хўжалигида 2012 йилда 281 центнер гўшт махсулоти ишлаб чиқарилган. Махсулотни ишлаб чиқариш учун 297860 минг сўм сарфланган. Бир килограмм гўшт етиштириш таннархи 10600 сўмга тўғри келмоқда. Гўштни сотишдан олинган пул даромади 314720 минг сўм бўлган. Махсулот сотишдан олинган соф даромад 16860 минг сўмни ташкил этгани холда, рентабеллик даражаси 5.66% га тенг бўлган.

Лекин шуни ҳам айтиш лозимки, фермер хўжалигида етиштирилган махсулот таннархи юқори бўлмоқда. Бунинг асосий сабаби озиқа базасини етарли бўлмаганлиги ҳамда кўп сонли чорвачилик фермаларида бажариладиган технологик жараёнлар яъни озиқа хайвонларга беришдан аввал сифатли тайёрлаш, озиқа тарқатиш, гўнг йиғиштириш асосан қўл меҳнати ёрдамида бажариларди. Бу эса фермадаги ишларни бажариш учун кўп сонли ишчи кучини талаб этади ва олинадиган махсулот миқдорини камайишига ва унинг таннархини ортишига олиб келади. Агар фермер хўжалиги фермасида юқорида кўрсатилган технологик жараёнларни механизациялаштирилса хайвонлар бош сонини ортириш ва уларнинг махсулдорлигини кўпайтириш имконияти яратилади.

IV. Тажриба қисми.

IV. 1. Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги “Бахт имкон ривож” наслчилик фермер хўжалигида янги туғилган бузоқларни ўсиш ва ривожланишини ва унга таъсир этувчи омилларни ўрганиш.

Бозор иқтисодиёти шароитида чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабни қондириш тўғрисида чорвачилик соҳасида ислохотларни амалга ошириш борасида Республикамиз микёсида кўпгина ишлар қилинмоқда. Чорвачилик билан шуғилланувчи маҳсус ширкат хўжаликлари, фермер хўжаликлари, корхоналарнинг ёрдамчи хўжаликлари ташкил этилмоқда. Бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган чорвачилик маҳсулотлари аҳолининг талабига нисбатан анча камлиги ҳеч кимга сир эмас. Айниқса чорва моллари сони кейинги йилларда к/х корхоналарида кескин камайиб кетди, бунинг асосий сабабларидан бири озуқа базасининг деярлик барча хўжаликларида ўта ночор аҳволга тушиб қолганлигидир.

Республикамиз бўйича ҳар бир бош сигирдан соғиб олинган сут 705 кг, ҳар 100 бош сигирдан олинган бўзоқ эса 37 бошни, 1 товукдан олинган тухум эса 118 донани ташкил этади.

Бу кўрсаткичлар ҳайвонлардаги мавжуд имкониятларнинг атиги 25-30% дан фойдаланитлаётганини кўрсатади. Бундай ҳолатга тушишни асосий сабабларидан бири ҳам озуқа базасини етишмовчилигидир.

Ҳозирги даврда чорвачиликни ривожланишига эътибор бир мунча кучайган бўлсада озуқа базасини мустахкамлашга бўлган эътибор сустлигича қолмоқда. Озуқа базасини мустахкамлашда ҳар 1 га ердан олинадиган ҳосилдорликни ошириш озуқа учун экилган ўсимликларни таркибида юқори даражада тўйимлик моддар тўпланган даврда уриш ва йиғиб олиш, ҳосилдорлиги юқори бўлган озуқабоп ўсимлик тури ва навларидан фойдаланиш. Оралиқ экинлардан рож, рапс, третикали, перко сингари ўсимликлардан ғалладан бўшаган майдонлардан маккажўхори сингари тез етилувчан, серҳосил ўсимликлар топинамбур сингари туганакларда, тифон

сингари совукга бардошли ўсимликлардан фойдаланиш жуда муҳимдир.

Рационда ҳажмли озуқаларни кўп қабул қилган буқачаларнинг кўкрак чуқурлиги, айланаси, гавда узунлиги, маклакнинг эни, ҳажми кам озуқаларни қабул қилганларга нисбатан анча зиёд бўлганлиги кузатилган.

Озиқлантириш организмда алмашинув жараёнларида, соғлигини асрашда, маҳсулот олишда ҳал қилувчи ролни ўйнайди.

Етарли даражада озиқлантирмаслик натижасида турли хил ички юқумсиз касалликлар - гиповитаминоз, суяк касалликлари ва бошқалар юз бериб ҳайвонлар маҳсулдорлигини кескин камайтиришга ва ҳўжаликда ўша ҳайвондан фойдаланиш муддати қисқартирилишига олиб келади.

Озиқлантириш - ҳайвоннинг ўсиш тезлигини, тирик вазни ошишини ва маҳсулдорлик даражасини белгилайди.

Тўлиқ қийматлик озиқлантирмасликда ҳайвон тез етилмайди, гавдаси ясси, оёқлари узун, елка чизиклари нотўғри шаклланади. Шунинг учун академик М.Ф.Иванов "Озуқа ва озиқлантириш ҳайвоннинг зоти ва келиб чиқишига нисбатан кўпроқ таъсир кўрсатади" деган фикрга келади. Ҳақиқатдан ҳам озиқлантириш даражаси сермахсул пода гуруҳ ва зотларни яратишда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Оғиз сўти - янги туққан моллар 5-6 кунгача оғиз сўти бериб, у сарғиш рангли куюқ суюқлик. Таркибида 25% куруқ модда, 5,4% ёғ, 1556 оқсил, 3,3% сўт шакари ва 1,3% кул бўлиб унинг оқсили иммуноглобулинга бойдир. Оғиз сўтидаги органик моддаларнинг ҳазм бўлиши 96% ва туйимлиги - 0,44 озуқа бирлигига тенг. Оғазнинг таркиби тез ўзгариб, у туққандан сўнг 6-7 кун утгач оддий сўтга айланади, Оғизни бузоқларга тоза соғилган пайтида ичириш зарур. Илғор тажрибаларнинг натижасига кура агар бузоқларга оғиз керагича ичирилса, бир кунда 1000-1200 г усган, кўнига 6 л дан ичкизилса 700-800 г, ва 3,5 л дан ичкизилса 220-415 г усишга эришган холос.

Сўт - сўт қишлоқ ҳужалигида ҳайвон болалари учун қимматли озуқа ҳисобланади. Уни таркибида 200 дан кўп туйимли ва биологик фаол моддалар бўлади. Ҳар хил ҳайвонлар сўти турлича таркибга эга (5 жадвал).

Буларнинг таркибидага туйимли моддаларнинг ҳазмланиш 96-98% ни ташкил этади. Сут протеини 95% оқсилдан ва 5% ҳар хил азотли бирикмалардан иборат.

5-жадвал

Турли ҳайвонлар сути таркиби, % ҳисобида (И. В. Петрухин маълумоти, 1989йил)

Қурсаткичлар	Сутлар				
	сигир	эчки	қўй	бия	чучқа
Қуруқ модда	12,5	13,6	18,4	11,0	16,-3
Ёғ	3,8	4,3	7,2	1,5	4,6
Оқсил	3,3	4,0	5,7	2,0	6,4
Сут шакари	4,7	4,5	4,6	7,2	зд
Сул	0,7	0,8	0,9	0,3	0,9
Қальций	0,125	0,18	0,21	0,105	0,185
Фосфор	0,105	0,12	0,16	0,05	0,14
Озуқа бирлиги	0,37	0,46	0,56	0,25	0,59
Ҳазмланувчи оқсил	3.4	3,7	5,4	1,9	5,5
1 кг сутнинг қуввати, ккал	730	780	1120	550	810

Сут оқсилларида (казеин, альбумин, глобулин) барча ҳаётий зарур аминокислоталар булади. Сут-оқсилнинг 80% казеиндан иборат ва қолган 20% альбумин, глобулин ва бошқалардир. Сут таркибида минерал элементлар ҳам етарлича бор.

Қаймоғи олинган сүт. Сүтні сепаратордан утказғакдан кейин чиқинди холида қаймоқсиз сүт олинади. Таркибида 8-9% куруқ мсу 3,4% протеин, 0,1% аг, 4,7% азотсиз экстракт модда ва 0,7% кули булиб, органик моддасининг хазм булиши 95%, хамда 1 кг да 0,2 озуқа бирлиги 31 г хазмланувчи протеин бор.

Қаймоғи олинган сүт ёш ҳайвонларни озукланганда ва сунъий сүт тайёрлаш учун фойдаланилади. Қаймоқсиз сүтдан ацедофилин тайёрлаш мумкин. Ацидофилин ичак-ошқозон касалликларини даволашда дори сифатидла фойдаланилади.

Пахта (пахтанье) - бу чиқинди қаймоқдан мой олишда қолади. Таркибида 9,5% куруқ модда, 3,5% протеин, 0,7% ёғ, 4,6% азотсиз экстракт модда, 0,7% кули булади. Органик моддасининг хазм булиши 97% га тенг. 1 кг да 0,22 озуқа бирлиги, 34 г хазмланувчи протеин бор. Пахтаньени куритганда 1 кг нинг туйимлиги 2,01 озуқа бирлигига, 367 г хазшанувчи протеинга тенг. Янга чиққан пахтанье чучқалар учун яхши озуқа хисобланади. 3-4 ҳафталик чучқа болаларига бир кунда ҳар бир бошига 200-400 мл ва катта ёшдагиларига 2-4 л дан берилади.

Сүт зардоби - бу чиқинди қаймоқли, қаймоқсиз сүтдан пишлоқ ва сузма ишлаб чиқарилганда қолади. Таркибида 5,8-6,2% куруқ модда, 0,2-0,3% ёғ, 4,2-4,7% сүт шакари, 0,8% оксил ва 0,5% минерал моддалар булади. Сүт зардобида В гуруҳдаги витаминлар тула сақланади. Таркибида оксил кам булганлиги туфайли у ёш молларга змас, катта ёшдаги молларга ичирилади. 1 кг да 0,13 озуқа бирлиги, 9 г хазмланувчи протеин куритилганида эса 1,68 озуқа бирлиги ва 102 г хазмланувчи протеини бор. Куритилган зардобдан қаймоқли сугаинг урнини босувчи сунъий сүт тайёрланади.

Куруқ сүт - куруқ сүт икки усул билан олинади:

1) барабан усулида куритиш, бунда 80-130°C иссиқ пар таъсирида сүт барабанда куритилади ва майдаланади. Таркибида 7% нам, 25% ёғ ва унинг хазмланиши 80% дан кам эмас. Бунда сүт таркибидаги оксиллар денатурацияга учраб меъдада эримайдиган ҳолатга утади.

II) усул ҳозирги вақтда кенг тарқалган усул булиб, бунда сут аввало +55°C, +65°C иссиқликда вакуум-аппаратида икки соат давомида ярим намлигини йукотгунча қуритилади. Шу ҳолида минутига 8-12 минг тезликда айланадиган дискка берклади ва -+140°C иссиқ пар ёрдамида ҳавода 4-7% намдорликкача қуритилади ва унга айлантирилади.


Ацидофилъ сути - хужаликларга куп миқдорда қаймоги олинган сут қайтарилиб берилиши туфайли уларни сақлаш (консервалаш) зарурияти юзага келади. Сақлашнинг бир неча усуллари мавжуд. Шундай бири сут ачитки бактериясини қушиш билан сақлаш булиб, унга ацидофилъ сути деб ном берилган. Ацидофилъ таёқчаси ошқозон-ичак йўлларидаги чиритувчи бактерияларни ва яна Коли гуруҳига кирадиган бактерияларнинг ривожланишини пасайтиради.

Ацидофилъ сутини фойдаланишдан олдин 37°C гача иситилади ва бузоқларга сут ёки обрат билан аралаштирилган холда ичирилади. 7 кунлик бузоқларга 500 мл, 10 кунликларга 800, 15 кунликларига 1500-2000 мл ичирилади, 7 кунликчучқа болаларига 30 мл, 10 кунликларига 60, 15 кунликларига 100, 20 кунликларига 200, 30 кунликларига эса 350-400 мл дан берилади. Ацидофилъ сути рационининг таркибидаги тўйимли моддаларнинг сурилишини яхшилайдиган. Ичи утадиган бузоқларга юқоридаги курсатилган миқдор 1,5 баробарга купайтирилиши керак. Қаймоқли сут урнини босадиган сунъий суг тайёрлашда унинг 70% дан купроғи қаймоги олинган сут булиб, унга 17-20% ҳайвонлар ёки усимликлар ёғи, макро ва микроэлемент тузлари, антибиотиклар, витаминлар ва бузоқнинг иштаҳасини очадиган қушимчалар қушилади. Буларга қушиладиган ёғлар олдин гомогенизацияланиши зарур, Бошқача айтганда гомогенизатор асбобида ёғ парчаланиб, сувда сузиб юрадиган ҳолатига утказилиши лозим. Ўсимлик ёғларини сунъий сугга қушиш олдидан уни гидрогенизациялаш талаб этилади. Бу унга сув билан ишлов бериш деган суг. Купинча заводларда ишлаб чиқарилган сунъий суглар етишмаслиги туфайли маҳаллий озуқлардан сунъий суг уркини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариб, бузоқларни боқишда фойдаланилмоқда, Бу

озуқалар махсус рецепт асосида тайёрланиб улардан фойданилганда қаймоқли суг ичириш меъёрини 30-50%'га тежаш имконини беради. Оқибатда ҳар бир бузоқдан йил давомида 100-175 кг қаймоқли сутни тежаб қолишга, хужаликларнинг сут товарлигини оширишга ёрдам беради. Мана шундай бир неча рецепт Ўзбекистон чорвачилик илмий текшириш институтининг чорва молларини озиқлантириш бўлимида К.Карибаев ва А.Кимлар томонидан ишлаб чиқарилиб чорвачиликда кенг қулланилмоқда.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларидан олинадиган маҳсулотнинг мўл ва сифатли бўлишида озуқа тўйимлилиги муҳим аҳамиятга эга. Озуқалар тўйимлилигига баҳо бермасдан туриб озиқлантиришни туғри ташкил қилиш ҳам мумкин эмас. Ҳайвонларни озиқлантиришда ўсимликлар дунёсидан келиб чиқган озуқалар рационнинг асосий қисмини ташкил қилади. Шунинг учун ҳам бу озуқалар тўйимлилигини рационга киритишдан олдин баҳолаш зарур.

1-чизма



Озуқаларнинг кимёвий таркибини аниқлаш ва унинг чизмасини билиш уларнинг тўйимлилигига баҳо беришнинг бир усули ҳисобланади. Ўсимлик танаси билан ҳайвон организми сифат жиҳатидан фарқ қилсада кимёвий таркиби жиҳатидан айрим ўхшашликлари мавжуд. Ҳар иккала организмда ҳам даврий системадаги барча элементлар мавжуд бўлиб шуларнинг асосий қисмини углерод, водород, кислород ва азот ташкил этади. Ўсимликларда ўртача 45% углерод, 42% кислород, 6,5% водород, 1,5% азот, 5% минерал моддалр ташкил қилса, ҳайвон танасида ўртача 63% углерод, 14% кислород,

9,5% водород, 5% азот ва 8,5% минерал моддалар ташкил этади.

Бугунги кунда сут, гўшт ва сут, гўшт йуналишидаги қорамолчиликни ривожлантириш учун тез етилувчан, яхши ривожланган, мустахкам конституцияли соғлом, кўп миқдорда ҳажмли озуқаларни истемол қиладиган ҳайвонлар олишидан иборатдир.

Қорамолларнинг зотига ва Бузоқларнинг эмбриологик давридаги ривожланиш даражасига қараб Бузоқларнинг тирик вазни тугилганида 25-35 кг атрофида бўлади ёки онасининг тирик вазнининг 7-9% ташкил этади.

Қорамоллар зотига қараб 4-5 ёшига усади. Юқори даражадаги тирик вазнга эса ўсишдан тўхтагандан кейин 2-3 йилдан кейин етади. Шунинг учун ҳар бир фермер хўжаликларда қорамолларни ўстиришда озиқлантириш режаларини тузиш зарур.

Озиқлантиришни тўғри ташкил этиш учун Бузоқларни ўстириш системаси уларнинг биологик жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда бузоқларнинг яхши ўсиши ва ривожланишига, маҳсулдорлигини шаклланишига, мустахкам конституцияли ва хўжаликда фойдаланиш вақтининг узайишига ёрдам берадиган бўлмоғи керак. Бузоқлар 2 усул билан озиқлантирилади. 1 ойликгача бузоқларни схёма асосида озиқлантириши лозим. Схемалар бузоқларнинг зотига, ўстириш шароитига, кўзланган мақсадга асосланиб тузилади. Бузоқлар 10-15 кун ичида асосий озуқаси сут ҳисобланади асосан оғиз сутини тўйгунича ичказиш керак. Чунки оғиз сутида антителалар, витаминлар, минерал моддалар ва бошқа ҳайвонлар учун энг зарур бўлган моддлар мавжуд бўлади.

Бу даврда суткали сут ичиш миқдори 5-7 кг гача ташкил этади ёки бузоқнинг тирик вазнининг 20% ни, ёғи олинган сутни Бузоқлар 3-4 ҳафталик бўлгандан кейин унинг соғлигига, овқат ҳазм қилиш шароитига ва қабул қилинган озиқлантириш системасига асосан рационга қўшиш лозим.

Сут ичириш меъери наслчилик қийматига ва бузоқларни қандай мақсадларга ўстиришга боғлиқ. Шунинг учун ҳам бузоқларни ўстиришда сут сарфи қўлланилаётган схемаларда 180 кг дан 350 кг гача соф сут, 200 кг дан

600 кг гача ёғи олинган сутдан иборат бўлиши талаб этилади.

Сут билан боқиш даврининг давом этиши сут бериш меъёрига боғлиқ бўлиб 2 ойдан 4-5 ойгача давом этади.

Хозирги вақтда сунъий (ЗЦМ) сут билан боқиш қўлланилмокда, бу билан сут сарфини 50-60 кг га камайтириши мумкин.

Бузоқ туғилганидан 11 кунлигидан бошлаб 1 кг сутнинг ўрнига 1,1 кг сунъий сут билан алмаштириш мукин. Бузоқларга сунъий сут беришдан аввал 1,1-1,2 кг сутни 8,8-8,9 кг қайнатилган сувга аралаштирилади. Бузоқларни 6 ойликгача схема асосида ўстиришда асосан 3 та типовой схема мавжуд бўлиб, ҳар қайси яна бир нечта бўлак схемаларга бўлинади. 1 схема 6 ойлик бўлганда тирик вазн 130 кг га этиши мўлжалланган бўлиб, бу яна 5 та схемалардан иборат, бунда суткалик ўсиш 550-600 г ни мўлажалланади.

2-схема 6 ойлик бўлганда тирик вазн 155 кг га етказиши мўлжалланган бўлиб суткали ўсиш 650-700 г ни ташкил этади.

3-схемада тирик вазни 175 кг га етказиш мўлжалланиб кунлик ўсиш 750-800 г ни ташкил қилади.

Сигир билан биргаликда эмизиб боқиш (энага сақлаш).

Бу усулда бир неча бузоқлар бир сигирни эмиб ўсадилар. Ҳар бир гуруҳда 2-4 бош бузоқ бир сигирни 80-110 кунгача эмади. Бузоқларни эмизиб ўстиришда гуруҳдаги бузоқларни тўғри танлашга, озиқлантиришга ва улар боқиладиган шароитга боғлиқ бўлади. Елини ва сўрғичлари ривожланган, ўртача маҳсулдор ювош ва соғлом сигирларни танлаб олиш лозим.

Гуруҳдаги бузоқларнинг ёши бир биридан 10 кунликгача тирик вазнлари 5-10 кг дан ошмаслиги лозим. Эмизувчи сигирларга бузоқларни 5-6 кунлигида бриктирилади.

6 ойдан катта ешдаги бузоқларни озиқлантириш.

Ёш қорамолларни сут билан боқиш тугагандан кейин 7 ойлигидан бошлаб тўйимли ва тўла қийматли рацион билан озхиклантириш зарур. Уларни энергияга, хазмланувчи протеинга, кальций, фосфор, магний, калий, ош тузи каби макроэлементларга ва темир, мис, рух, кобальт, марганец, ва

олтингугурт каби микроэлементлари бўлган талабини ҳамда каротин, витамин Е ва Д витаминларга бўлган эhtiёжини тўла қондириш зарур.

Ҳайвонларни сут давридан кейин етарлик даражада озиқлантирмаслик ўсишини сусайтирилади. Мускул ва суяк тўқималарининг меъёрида ривожланишига салбий таъсир кўрсатибгина қолмасдан, уларнинг жинсий етилишига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Ҳозирги даврда ёш ҳайвонларни ёз даврига нисбатан қиш даврида меъёр асосида озиқлантирмаслик мавжуд. Бунга озуқанинг етишмаслиги ва сифатининг пастлиги каби омиллар сабаб бўлади.

Биринчи ойдан кейин меъёр белгилашда еши. Жинси, режалаштирилган ўртача кунлик ўсиш ҳисобига олинади.

Ёш урғочи қорамоллар 7 ойликдан 18 ойликгача бўлган даврда ўсиш ва ривожланиши учун ёшига қараб 6-11 озуқа бирлиги сарфланади, 7-9 ойликда 6,3-10 озуқа бирлиги, 13-18 ойликда 9,5-12,3 озуқа бирлиги, озиқлантиришни туғри ташкиллаштирамаганда бундан 1,5-2 марта кўп озуқа бирлиги сарфланиши мумкин. 100 кг тирик вазндаги урғочи таналарга 7-12 ойлик вақтида 2,4-3 кг қуруқ мода, 13-18 ойлигида эса 2,1-2,5 кг, эркак бузоқларда яъни буқачаларда 7-12 ойлигида 2,2-2,8 кг, 13-16 ойлигида 2,0-2,2 кг қуруқ мода талаб қилади.

1 кг қуруқ мода ҳисобига рацион таркибида, урғочи ҳайвонларга 0,7-0,9 озуқа бирлиги, буқачаларга 0,85-0,95 озуқа бирлиги бўлиши лозим.

Протеинга бўлган талаб 1 озуқа бирлиги ҳисобига 7-9 ойлигида 100 г, 10-18 ойликда 95-90 г бўлиши лозим.

Наслли эркак бузоқларда 7-16 ойлик даврида 1 кг семириши учун 6-9 озуқа бирлиги ҳисобига 110 г., 11-16 ойликда 100-105 г. хазмланувчи протеин талаб қилади.

Ёш қорамоллар рационида қуруқ мода таркибида хом клетчатка миқдори ҳам ҳисобга олинади. 7-12 ойлик даврида 21-22%, 13-18 ойликда эса 23-24% ни ташкил этиши лозим.

Қанд протеин нисбати $0,1 \div 0,8-1,0$ бўлиши қуруқ моддага нисбатан 6

ойликда 8,0-9,5%, 7-12 ойликда 6,5-9%, 13-14 ойликда 6,5-8,5% бўлиши керак.

Ёш қорамолларни озиқлантиришда рационда макро ва микроэлементлар ва витаминларнинг етарли даражада бўлишига алоҳида эътибор бериш зарур.

Урғочи таналарнинг кишки рационидида 7-18 ойлик даврида юқори сифатли пичан, силос, сенаж ва ўт кесмаларидан ташкил топиши мақсадга мувофиқдир.

Уларнинг 100 кг тирик вазнига 2-3 пичан, 5-6 силос, 6-12 ойлигида 7-8 сенаж, 1 ёшдан кейин эса 15 кг гача сенаж бериш мумкин. Урғочи таналар рационидидаги силос ва сенаж бўлганда кунлик ўсиш 600 г ташкил этади. Бундан юқори бўлиши учун концентрат озуқалар берилиши керак.

Силосли, сенажли ва аралаш рацион таркибида кучли озуқа 15-25% ни ташкил қилади.

Ёз даврида яйлов озуқалари билан озиқлантириш мақсадга мувофиқдир, бу даврда яхши яйловда боқилганда кучли озуқасиз кунлик ўсиш 700-800 г ни ташкил этиш мумкин.

Урғочи таналар 7-9 ойликда 18-21 кг., 10-12 ойликда 22-26 кг., 13-15 ойликда 26-30 кг, 16- 18 ойлигида 30-35 кг. кўк озуқа истемол қилиш мумкин.

Озуқаларнинг ҳазмланиши жараёнида уларнинг таркибидидаги тўйимли моддалар таркибий қимларга парчаланиб қон ва лимфага сўрилади, улардан организмда ҳаётий жараёнларни нормал кечишида, орган ва тўқималар шаклланишида, моддалар алмашинувининг бошқарилишида ҳамда маҳсулот ишлаб чиқаришида фойдаланалиди.

Озуқаларнинг технологик хусусиятларини баҳолашда уларнинг кимёвий таркиби, тўйимлилиги, ҳайвонлар томонидан яхши истеъмол қилиниши, уларни консервациялаш, сақланиш хусусиятлари ва ишлаб чиқариш таннари ҳамда едиришга тайёрланишини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Озиқаларнинг сифати ва тўйимлилигига бўлган асосий талаблар

давлат ва соҳа тармоқлар томонидан белгиланган стандартларга асосланади. Озуқанинг сифати (класс ва нави) унинг таркибидаги намлик миқдори, протеин, каротин, клетчатка, органик кислоталар, зарарли ва захарли моддалар миқдорига қараб белгиланади.

Ҳайвонларни озиқлантиришда айрим турдаги минерал моддаларнинг миқдоридагина эътибор бермасдан, уларнинг ўзаро нисбатига ҳам эътибор бериш керак. Айрим элементларнинг, жумладан, кальций ва молибденнинг меъёрдан зиёд организмга тушиши бошқа турдаги элементларнинг ҳазмланишига салбий таъсир кўрсатади.

Айрим турдаги элементларнинг озиқлантиришда етишмаслиги организмда физиологик функциянинг бузилишига олиб келади. Масалан: темир, кобальт элементларидан биронтаси етишмаса гемоглабиннинг синтезланиши кескин камайиб кетади. Шунинг учун ҳайвонлар рационига қўшимча ҳолда минерал моддалар айниқса микроэлемент тузларини қўшишда жуда эҳтиёткорлик талаб этилади. Мис, фтор, селен, молибден озуқада меъёрдан зиёд тушса организмни захарлайди айрим ҳолларда ўлдиради.

Озуқаларнинг минерал таркиби тупорқ шароитига солинадиган ўғит миқдори ва турига боғлиқ бўлади. Ҳайвонларнинг минерал моддаларга бўлган талаби ва талабнинг қондирилиши организмда витамин Д нинг синтез қилинишига ҳам боғлиқ чунки минерал моддалар алмашинувини витамин Д бошқариб боради.

Фандаги ҳозирги замон тушунчаси бўйича озуқа таркибида организмга қабул қилинадиган оксил, ёғ, углеводлар ва тузлар бирикмаси инерт холида, яъни таъсирсиз бўлади. Улар модда алмашинувида иштирок этиб, тана тўқималарига айланиши учун чуқур кимёвий ўзгаришларга учраши керак. Бундай ўзгаришлар катализаторлар ёрдамида вужудга келади. Бундай катализаторлар оксилларнинг ферментларидир. Бу ферментлар биокимёвий жараёнларни миллион маротаба тезлаштиради. Кўпчилик ферментлар икки ҳил бирикмадан ташқил топади: организм томонидан

синтез қилинадиган махсус (специфик) оқсилдан ва ҳар ҳил витаминлар - бирикмалари (кофермент) дан, қайсики организм томонидан синтез қилинмасдан тайёр ҳолда озуқа билан тушади. Агар озуқа билан айрим ҳолдаги витаминлар тушмаса ёки етарлик даражада тушмаса ферментларнинг фаоллиги сусаяди ва модда алмашинуви бузилади. Бу эса ўз навбатида ҳайвон соғлигига ва маҳсулдорлигига салбий таъсир кўрсатади. Озуқа таркибида витаминларнинг етишмаслиги натижасида вужудга келадиган юқумсиз касалликларга, жумладан авитминоз касаллигини келтириб чиқаради. Авитминоз касаллиги кўп ҳолатда унча билинмаган, яъни гиповитаминоз ҳолида кўринади. Ҳайвон организми етарли даражада витаминлар билан таъминланмаса алиментар гиповитаминозга учрайди. Ҳайвон сурункали ва кескин (острый) касалликларга учраганда, витаминлар яхши ҳазмланмайди. Натижада эндоген гиповитаминоз вужудга келади. Купчилик витаминларнинг кимиёвий табиатини яхши ўрганилган. Уларнинг турларини саноатда ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

IV. 2. Андижон вилояти Олтинқўл туманидаги “Бахт имкон ривож” наслчилик фермер хўжалигида Швиц зотли бузоқларнинг ўсиш ва ривожланишига боқиш ва парваришлаш технологияларини таъсирини ўрганиш.

Сутчилик чорвачилигида бузоқларни 6 ойлик бўлгунига қадар боқишнинг ҳар хил схемалари кенг қўлланилади, бунда боқиш тартиби ва бериладиган озиқ миқдорлари белгиланган. Тавсиялар бузоқларнинг 125, 150 ва 170 килограммга етиш учун вазнининг ҳар хил ошишига мўлжалланган. Қаймоғи олинмаган сут етиштириладиган минтақаларда бузоқларга фақат қаймоғи олинмаган сут берилади. Бузоқларни боқиш схемасида силос, илдизмевалар, ёзда эса кўкат озиқаларни кўпроқ миқдорда бериш ҳисобига қаймоғи олинмаган сут ва кучли озиқалар бериш сарфини камайтириш зарур.

Бузоқлар 2 ойлик бўлгунича еган ўтлари ҳисобга олинмайди. Икки ойга тўлганидан бошлаб кўкат озиқаларни хохлаганича бериб боқилади. 3-4 ойлик бўлгунча пичан ва ширали озиқалар ўрнига яйловда ўтлатиб боқилади. Бузоқларни боқишга мувофиқ келадиган схемаларни танлаш уларнинг сут ичиш нормаларига шартланган бўлади, булар хўжалик шароити, унинг жойлашган минтақасига боғлиқ бўлади. Шаҳарларга яқин туманларда бузоқларга қаймоғи олинган сут берилади. Урғочи бузоқларга қараганда буқачалар суткалик вазнини кўп ортишини ҳисобга олиб, уларга сут ичишнинг бошқа схемалари қабул қилинади.

Бузоқларни ёшлик пайтидаёқ ем, дагал ва ширали озиқаларни ейишга ургатиш керак. Бу тадбир уларнинг ошқозон-ичак тизими ҳажмини катталаштириши ва фаолиятини кучайтишига олиб келади, бундай ҳайвонлар келажакда сигир булганида катта ҳажмдаги озиқаларни истемол қилиб, ҳазм қилиш натижасида куп сут бериш қобилиятига эга бўлади. Бу пайтларида бузоқлар охурларида доим янги урилиб биров сулитилган беда бўлиши мақсадга мувофиқдир. Дагал ширали ва ем озиқалар 3 ойликкача аравачаларда келтириб берилади, кул билан таркатилади.

Урғочи таналарнинг 100 кг вазнига 7-12 ойлигида 2,4-3,0 кг курук модда, 13-18 ойлигида эса 2,1-2,5 кг сарфланади, ёки 1 кг курук модда таркибида 0,7-0,9 озика бирлиги бўлиши керак.

1 озика бирлигига 4 г фосфор, ёки И кг курук моддага 2,8-3,0 г фосфор тўғри келиши керак.

Урғочи таналарнинг ҳазмланувчи протеинга булган талабини қондириш уларнинг жадал усиши ва етилишини таъминлайди. Шу боисдан 1 озика бирлигига :4-6 ойлигида 117-105 г; 7-9 ойлигида 100 г атрофида; 10-18 ойлигида эса 95-90 г бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Урғочи таналар ҳаётини саклаб туриш учун ҳар 100 кг тирик вазни учун 60 г ҳазмланувчи протеин кифоя, 1 кг семириши учун эса ками да 500 г ҳазмланувчи протеин истеъмол килиши керак.

Бузоклар ва урғочи таналар рационда углеводлар миқдорини алоҳида ҳисобга олиш керак. Курук моддага нисбатан клетчатка 3 ойгача 6-12%; 4-6 ойлигида 16-18%, 7-12 ойлигида 20-22%, 13-24 ойлигида 22-24% бўлиши керак.

Курук модда таркибида канд 3 ойгача 15-16,5%, 6 ойлигида 8,0-9,5%, 7-12 ойлигида 6,5-9%, 13-24 ойлигида 6,5-8,5%. Меъёрадаги канд протеин нисбати 0,8-1 даражасида туриши шарт.

Курук моддага нисбатан ёғнинг нисбати ёш бузокларда 22-24%, 6 ойликда 5-5,5%, катта ёшдаги урғочи таналарда 3% кифоя.

Урғочи таналарни устиришда минерал моддалар алоҳида урин тутати, уларнинг етишмаслиги, модда алмашинувини бузилиши, усишдан қолиш, иштаҳасини йўқолишига сабаб бўлиши мумкин.

Урғочи таналарнинг қўшимча вазнининг 4-5% минерал моддалар ташкил қилади. Бузокларнинг 6 ойлигида 6 кг минерал моддалар, И ёшида эса 9-10 кг минерал моддалар тупланади.

Рационда минерал моддаларнинг етарли бўлиши суякни яхши ушиб мустаҳкам бўлишини, унинг соғлом бўлишини таъминлайди.

Урғочи таналарни устиришда микроэлементлар алоҳида урин тутати.

Уларнинг етишмаслиги модда алмашинувига, маҳсулдорлигига, озикалар ҳазмланиши ва узлаштирилишига салбий таъсир курсатади.

Урғочи таналарнинг микроэлементларга булган талабини қондириш учун 1 кг курук модда ҳисобига темир 50-80 мг; мис 5-10 мг; рух 30-60 мг; марганец 30-60 мг; кобальт 0,4-0,7 мг ва йод 0,2-0,6 мг бўлиши керак.

Урғочи таналар меъёр даражасида усиши учун улар етарли микдорда А ва Д витаминлар билан, ёшлигида эса катта коринлар ривожланганлигига кадар В гуруҳ витаминлари билан ҳам таъминланиб турилиши керак .

Таналар учун каротин манбаи булиб усимлик озикалари ҳисобланади. 6 ойлигида 1 кг курук моддага 26-37 мг каротин тўғри келса, кейинчалик 22-25 мг керак.

Витамин Д етишмаса рахит касаллиги келиб чиқади. Ундан 6 ойда 0,6-0,9 минг МЕ; 6 ойдан кейин эса 0,4-0,5МЕ керак.

Бу даврда урғочи таналар боғламасдан асралади. Улар молхона ва яйратиш майдонларида сакланади. Озика таркатиш, гунгни йигиштириш ва суғориш ишлари тулик механизасиялаштирилган булмоги керак.

Тажрибалар шундан далолат берадики меъёрда озиклантирилган ва сакланган урғочи таналар 1 ёшда 250-300 кг вазнга зришишлари мумкин. Шу даврда ўртача кунлик усиш 550-600 г ташкил килиши тавсия этилади.

Қиш пайтида озикалар уч марта таркатилиши мумкин. эрталаб дастлаб ем озикалар, кейин эса дагал ва ширали озикалар берилади. 10 ойликдан бошлаб уларни бонитировка килиб юқори класвгаklarини олиб қолиб қолганларини бурдокилаб гуштга топшириш керак.

Таналар 12 ойлигида енгил яйраш майдонларига эга биноларга утказилиб 18 ойликкача, 40-50 бошдан гуруҳлаб сакланади. Хар бир бош танага бино ичидан 4 м , яйраш майдонидан 6 м² юза ажратилади.

Меъёрда озиклантирилган урғочи таналар 18 ойлигида 350-400 кг тирик вазнига эга бўлади ёки кунлик вазн ортиши 500-550 г ташкил этади, ёки 1 кг семиришига 9,0 озика бирлиги 1000 г ҳазмланувчи протеин

сарфлайди.

Юқоридаги боқиш усуллардан келиб чиқиб биз тажрибамизни Андижон вилояти, Олтинқўл туманидаги “Бахт Имкон Ривож” наслчилик фермер хўжалигида олиб бордик. Аввало тажриба учун янги туғилган, тирик авзлари бир хил бўлган, Швиц зотли бузоқлардан 5 бошдан иборат иккита гурух ташкил қилдик. Тажриба қўйишдан асосий мақсадимиз бузоқларнинг ўсиш ва ривожланишига ёғи олинмаган табиий сутнинг таъсирини ўрганишдан иборат эди. Шу мақсад билан назорат гурухига 40 кун давомида табиий сут ва қолган даврда сут ўрнини босувчи воситалардан ёғи олинган сут (Обрат) бериб бокдик.

6-жадвал

Тажриба учун ажратиб олинган, январ ойини охириги декадасида туғилган ёш бузоқларнинг кўрсаткичлари.

Т/р	Инвентар рақами	Жинси	Туғилгандаги тирик вазни, кг	Семизлик даражаси
Тажриба гурухи				
1.	323	Новвос	31	Ўртачадан паст
2.	327	Новвос	32	Ўртачадан паст
3.	297	Ѓунажин	30	Ўртачадан паст
4.	343	Ѓунажин	31	Ўртачадан паст
5.	321	Ѓунажин	31	Ўртачадан паст
Назорат гурухи				
1.	302	Ѓунажин	31	Ўртачадан паст
2.	265	Ѓунажин	31	Ўртачадан паст
3.	312	Новвос	30	Ўртачадан паст
4.	328	Новвос	30	Ўртачадан паст
5.	324	Ѓунажин	31	Ўртачадан паст

Бузоқлар нормал ўсиши, ривожланиши ҳамда семиришини

таъминлайдиган схемалар ва нормага асосан озиқлантирилди. Ичириладиган сут сифатига алоҳида этибор берилади 10 кунгача онасини сути ичирилади. Сутни харорати 36-38 градус 11 кундан бошлаб сифатли беда ва табиий ўтлар пичанини ейишга ўргатилди. Хар бир бузоқ 50 кун мобайнида ўртача 50 кг пичан истеъмол қилади.

7-жадвал

Назорат гуруҳидаги Швиц зотли бу бузоқларни озиқлантириш схемаси.

Ўши ой кун	Давр охирида тирик вазни кг	Қиш даврида								
		Сут миқдори		Беда пичани	Концентрат	Беда пичани қайнатмаси	Қанд лавлаги	Мака жўхори силоси	Ош тузи	Микроэлемент тузи
		Ўғли сут.	Ўғи олинган сут							
2-10	31	5		-	-	-	-	-	-	-
11-20		7				0,5			5	
21-31		7		0,5	0,3	0,5		-	5	-
1 ойда	46.9	180		5	0,3	10	-	-	100	
31-40			7	0,7	0,5	1,0	0,2	-	10	-
41-50			6	0,8	0,8	1,0	0,3	-	10	-
51-60			4	1,5	0,9	1,0	0,5	-	10	-
2 ойда	64.7		170	30	22	30	10	-	300	-
Жами 2 ойда	64.7	180	170	35	25	40	10	-	400	-
61-70		-	-	2,0	1,2	-	0,5	3,0	10	10
71-80		-	-	2,0	1,3	-	1,0	4,0	10	10
81-88		-	-	2,0	1,5	-	1,0	4,0	10	10
3 ойда	84.3			56	37	-	23	102	280	280
90-100		-	-	2,0	1,5	-	1,0	4,0	15	15
101-110		-	-	2,0	1,6	-	1,0	4,0	15	15
111-120		-	-	2,0	1,6	-	1,0	4,5	15	15
4 ойда	107			60	47	-	30	125	450	450
Жами 4 ойда	107	180	170	151	109	40	63	227	1130	730

Бузоқлар 20 кунлигидан бошлаб махсус омехта емга ўргатилади. Секин аста унинг миқдори кўпайтирилади 1 ойлик бузоққа суткасига 400-500гр, 2

ойлигида эса 1 кг гача омихта ем берилади. 40 кун мобайнида бир бош бузоққа 19 кг омихта ем берилади.

Ўттиз кунлигидан ёғи олинган сут берилади. Бузоқлар 60 кунлигида прафилакторийда гурух қилиб сақлайдиган павильонларга ўтказилади. Дағал ширали, концентрат ва минерал озиқалар учун охурлар ташқи томондан ўрнатилади. Озиқлантириш учун бир бошга 35-45 см ва сув охурлари ўрнатилади.

Юқори жадвалда берилган рациондаги озиқалардан, махсус тайёрланган қайнатилган беда пичани ичи кетадиган бузоқларга даволаш учун норма асосида туз солиб ичирилди. Бу даврда ичириладиган сут сифатига этибор берилади, 10 кунгача бузоқларга ўз оналарини сути ичирилади. Сўнг кейинги даврларда йиғма сут ичиришга ўтказилади. Чунки доимий равшда онасининг олдида бўлишлиги махсулот ишлаб чиқаришга ва унинг таннархига салбий таъсир кўрсатади.

Асосан назорат гурухидаги бузоқларга бўғозлиги 1 ойдан сўнг табиий сут ўрнини ёғи олинган сут билан алмаштирилди, чунки хўжаликнинг ўзида доимий равишда бузоқлар 1 ойликдан кейинги даврларда сут ўрнини босувчи воситалар (ёғи олинган сут, қуруқ сут ва бошқалар) билан боқилади. Шуни хисобга олган ҳолда назорат гурухидаги бузоқларни озиқлантириш схемасини хўжаликнинг схемасидан бошқа ҳолатга ўзгартирмадик. Бериладиган ёғсиз сут норма асосида ҳар бир бузоқ учун уйча рақамли алоҳида челақ ва сўрғичли идиш орқали берилди. Сутни ҳарорати 36 – 38°С да бўлишлиги таъминланди.

Ўн биринчи кундан бошлаб бузоқлар сифатли беда ва табиий ўтлар пичанини ейишга ўргатила бошланди. Ҳар бир бузоқ эллик кун мобайнида 35 кг пичан истемол қилди.

Йигирманчи кунлигидан омихта емга ўргатилади. Секин аста унинг миқдори кўпайтирилади. Бир ойлик бузоқ суткасига 400 -500 гр, икки ойлигида эса 1 кг гача алоҳида ем берилади. Қириқ кун мобайнида бир бош бузоққа 19 кг ем сарф бўлади. Ёш организмни минерал моддаларга бўлган

эхтиёжини қондириш мақсадида бузоқларга Ош тузи, бўр қўшимчалари берилди.

8-жадвал

Тажриба гуруҳидаги Швиц зотли бу бузоқларни озиклантириш схемаси.

Ёши ой кун	Давр охирида тирик вазни кг	Қиш даврида							
	Тажриба гуруҳи	Ёғли сут.	Беда пичани	Концентрат	Беда пичани қайнатмаси	Қанд лавлаги	Мака жухори силоси	Ош тузи	Микроэлемент тузи
2-10	31	5	-	-	-	-	-	-	-
11-20		7			0,5			5	
21-31		7	0,5	0,3	0,5		-	5	-
1 ойда	53.6	180	5	0,3	10	-	-	100	
31-40		7	0,7	0,5	1,0	0,2	-	10	-
41-50		7	0,8	0,8	1,0	0,3	-	10	-
51-60		7	1,5	0,9	1,0	0,5	-	10	-
2 ойда	78.4	210	30	22	30	10	-	300	-
Жами 2 ойда	78.4	390	35	25	40	10	-	400	-
61-70			2,0	1,2	-	0,5	3,0	10	10
71-80			2,0	1,3	-	1,0	4,0	10	10
81-88			2,0	1,5	-	1,0	4,0	10	10
3 ойда	104.1		56	37	-	23	102	280	280
90-100		-	2,0	1,5	-	1,0	4,0	15	15
101-110		-	2,0	1,6	-	1,0	4,0	15	15
111-120		-	2,0	1,6	-	1,0	4,5	15	15
4 ойда	131		60	47	-	30	125	450	450
Жами 4 ойда	131	390	151	109	40	63	227	1130	730

Тажриба учун ажратиб олинган бузоқларни озиклантириш схемасида

хам юқоридагидек бир хил кўрсаткичлар такрорланганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Яъни, ушбу гуруҳда ҳам рациондаги озиқалардан, махсус тайёрланган қайнатилган беда пичани ичи кетадиган бузоқларга даволаш учун норма асосида туз солиб ичирилди. Бу даврда ичириладиган сут сифатига этибор берилади, 10 кунгача бузоқларга ўз оналарини сути ичирилади. Сўнг йиғма сут билан боқишга ўтказилади. Чунки доимий равшда онасининг олдида бўлишлиги махсулот ишлаб чиқаришга ва унинг таннархига салбий таъсир кўрсатади.

Асосан тажрибадаги бузоқларни боқиш билан назорат гуруҳидаги бузоқларни боқишнинг фарқли жойи уларга 3 ойга тулгунича бўғозлиги 6 ойдан юқори бўлган, сутининг ёғлилиги 3.6 – 3.7 % гача бўлган сигирларни сути билан норма асосида боқилди ва хар бир бузоқ учун уйча рақамли алоҳида челақ ва сўрғичли идиш орқали берилди. Сутни ҳарорати 36 – 38°C да бўлишлиги таъминланди.

Ўн биринчи кундан бошлаб бузоқлар сифатли беда ва табиий ўтлар пичанини ейишга ўргатила бошланди. Хар бир бузоқ эллик кун мобайнида 35 кг пичан истемол қилди.

Йигирманчи кунлигидан омехта емга ўргатилади. Секин аста унинг миқдори кўпайтирилади. Бир ойлик бузоқ суткасига 400 -500 гр, икки ойлигида эса 1 кг гача алоҳида ем берилади. Қириқ кун мобайнида бир бош бузоққа 19 кг ем сарф бўлади. Ёш организмни минерал моддаларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида бузоқларга Ош тузи, бўр қўшимчалари берилди.

Тажрибадан кутилган натижа шундан иборат бўлиши керак эдики, таббий сут билан боқилган бузоқларнинг ўсиши, ривожланиши ва ўз тенгқурларига нисбатан тез етилиши мумкинлигини шу услда аниқлаш бўлди. Тажриба натижаларини эса кейинги қисмда кўриб ўтамиз.

IV. 3. Андижон вилояти, Олтинкўл туманидаги «Бахт Имкон Ривож» наслчилик фермер хўжалигида Швиц зотли бузоқларни ўсиш ва ривожланишига таббiiй сут билан боқишни таъсирини тахлили.

Маълумки янги туғилган хайвонлар ташқи иқлимга ва бошқа шароитларга тезроқ мослашиб кетиши учун уларга кўп миқдорда энергия керак бўлади. Бу энергияни хайвонлар биринчи марта эмган сутидан олади.

Янги туққан моллар 5-6 кунгача оғиз сути беради, у сарғиш рангли куюқ суюқлик. Таркибида 25% куруқ модда, 5,4% ёғ, 1556 оқсил, 3,3% сут шакари ва 1,3% кул булиб унинг оқсили иммуноглобулинга бойдир. Оғиз сугидаги органик моддаларнинг ҳазм булиши 96% ва туйимлиги - 0,44 озука бирлигига тенг. Оғазнинг таркиби тез ўзгариб, у туққандан сунг 6-7 кун утгач оддий сутга айланади, Оғизни бузоқларга тоза соғилган пайтида ичириш зарур. Илғор тажрибаларнинг натижасига кура агар бузоқларга оғиз керагича ичирилса, бир кунда 1000-1200 г усган, кунига 6 л дан ичкизилса 700-800 г, ва 3,5 л дан ичкизилса 220-415 г ўсишга эришган холос.

Сут қишлоқ хўжалигида хайвон болалари учун қимматли озука ҳисобланади. Уни таркибида 200 дан куп туйимли ва биологик фаол моддалар булади. Ҳар хил хайвонлар сути турлича таркибга эга. Буларнинг таркибидага туйимли моддаларнинг ҳазмланиш 96-98% ни ташкил этади. Сут протеини 95% оқсилдан ва 5% ҳар хил азотли бирикмалардан иборат.

Сут оқсилларида (казеин, альбумин, глобулин) барча ҳаётiiй зарур аминокислоталар булади. Сут-оқсилнинг 80% казеиндан иборат ва қолган 20% альбумин, глобулин ва бошқалардир. Сут таркибида минерал элементлар ҳам етарлича бор.

Сутни сепаратордан ўтказгачдан кейин чиқинди холида қаймоқсиз сут олинади. Таркибида 8-9% куруқ мсу 3,4% протеин, 0,1% аг, 4,7% азотсиз экстракт модда ва 0,7% кули булиб, органик моддасининг ҳазм булиши 95%, ҳамда 1 кг да 0,2 озука бирлиги 31 г ҳазмланивчи протеин бор.

Қаймоғи олинган сут ёш хайвонларни озукланганда ва сунъiiй сут

тайёрлаш учун фойдаланилади. Қаймоқсиз сутдан ацедофилин тайёрлаш мумкин. Ацидофилин ичак-ошқозон касалликларини даволашда дори сифатидла фойдаланилади.

Бундан ташқари бузоқлар боқиш давомида сут ўрнини босувчи восита куруқ сут билан ҳам боқилади. Куруқ сут икки усул билан олинади:

1) барабан усулида қуритиш, бунда 80-130°C иссиқ пар таъсирида сут барабанда қуритилади ва майдаланади. Таркибида 7% нам, 25% ёғ ва унинг хазмланиши 80% дан кам эмас. Бунда сут таркибидаги оксиллар денатурацияга учраб меъдада эримайдиган ҳолатга утади.

2) усул ҳозирги вақтда кенг тарқалган усул бўлиб, бунда сут аввало +55°C, +65°C иссиқликда вакуум аппаратида икки соат давомида ярим намлигини йуқотгунча қуритилади. Шу ҳолида минутига 8-12 минг тезликда айланадиган дискка берклади ва -+140°C иссиқ пар ёрдамида ҳавода 4-7% намдорликкача қуритилади ва унга айлантирилади.

Маълумки ҳайвонларни озиқлантириш жараёни ҳайвонлар ҳаёти учун энг долзарб муаммо ҳисобланади.

Янги туғилган бузоқларни озиқлантириш муҳим аҳамият касб этадиган омилдир.

Хўжаликда тажриба олиб бориш учун шу соҳа олимларининг фикр ва мулоҳазаларини адабиётлар маълумотларидан ўрганиб чиқишга ҳаракат қилдик. Хўжаликда ўтказилган тажрибага илмий жихатдан ёндашиш мақсадида озиқаларнинг тўйимлилик даражаси, уларнинг сифат кўрсаткичлари, озиқаларни текшириш усуллари, озиқаларни лаборатория анализи, озиқаларни сақлаш ва едиришга тайёрлаш, уларни сақлаш учун намуналар олиш, лаборатория шароитида ва оргонолептик баҳолаш, баҳоланган озиқалар асосида рационлар тузиш, тузилган рационларни баланслаштириш, уларни таркибидаги тўйимли моддалар миқдорига қараб озиқлантиришни тўғри ташкил этиш каби масалаларни ўргандик.

Тажриба учун ажратиб олинган бузоқлар Швиц зотли бўлиб, деярли олдинги қисмда кўриб ўтганимиздек уларнинг туғилган вақтидаги тирик

вазнлари бир хил ва туғилиш вақтлари ҳам бир хилда бўлган.

9-жадвал

Тажриба учун ажратиб олинган бузоқлар учун сарфланган озиқалар миқдори тахлили.

Т/р	Озиқалар тури	Шу озиқалар билан боқиш давомийлиги, кун	Озиқа миқдори, кг	Боқиш муддати, кун	Жами 4 ойда кг	Жами бузоқлар учун, кг
1.	Табиий сут	Тажриба гурухи 90 Назорат гурухи 30	6.5 6.5	0-60 0-30	390 195	1950 975
2.	Ёғи олинган сут	Фақат назорат гурухи 30	6	30-60	180	900
3.	Беда пичани	90	2	30-120	180	900
4.	Омихта ем	90	1	30-120	90	450
5.	Қанд лавлаги	90	1	30-120	90	450
6.	Маккажўхори силоси	60	3.5	60-120	210	1050
7.	Беда пичани қайнатмаси	50	1	20-60	50	250
8.	Ош тузи	110	0.01	20-120	1.1	5.5
9.	Микроэлемент тузи	60	0.01	60-120	0.6	3

Ушбу жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкинки, тажриба учун ажратиб олинган бузоқлар учун тузилган озиқлантириш схемасида, жами 4 ой давомида табиий сут миқдори тажриба гурухида ҳар бир бошга 630 кг ва жами 5 бош учун 3150 кг миқдорида сарфланган бўлса, назорат гурухида бир бош учун 210 кг, жами 5 бош учун 1050 кг табиий сут сарфланган. Бунинг сабаби тажриба гурухидаги бузоқлар доимий равишда 3 ой давомида табиий сут билан боқилганлиги ва назорат гурухидаги бузоқлар эса хўжаликда бузоқларни боқиш технологияси сингари 30 кундан сўнг ёғсиз сут билан

боқишга ўтказилганлигидадир.

Ёғи олинган сут фақатгина назорат гуруҳидаги бузоқлар учун берилди ҳолас. Улар бир ой давомида ўртача кунига 6 кг дан сут ичишди ва 1 ойда ҳар бузоқ учун 180 кг дан, жами бузоқларга эса 900 кг ёғи олинган сут сарфланди.

Бошқа турдаги озиқалар, яъни беда пичани, омихта ем, қанд лавлаги, маккажўхори силоси каби озиқалар ҳар иккала гуруҳдаги бузоқлар учун ҳам бир хил миқдорда берилди. Демак беда пичани кунига бир бошга 2 кг дан, жами 900 кг, омихта ем ва қанд лавлаги бир кунда 1 кг дан, жами 450 кг, маккажўхори силиоси бир кунда 3.5 кг дан, жами 1050 кг сарфланди. Бузоқларни нормал ўсиши учун ош тузи ва минерал тузлар бериб борилди.

10-жадвал

Тажрибадаги бузоқлар учун тузилган озиқлантириш схемасининг тўйимлилик кўрсаткичлари таҳлили.

т/ р	Озиқа тури	Кунлик озиқа сарфи, кг	Жами озиқа сарфи, кг	Тўйимлилиги		
				Озиқа бирлиги, кг	Ҳазмланувчи протеин, гр	Алмашинувчи энергия, мж
1.	Табиий сут	7	3150	945	103950	7182
		7	1050	315	34650	2394
2.	Ёғи олинган сут	6	900	117	31500	1179
3.	Беда пичани	2	900	396	90900	6048
4.	Омихта ем	1	450	450	35550	4140
5.	Қанд лавлаги	1	450	108	4050	868.5
6.	Маккажўхори силоси	3.5	1050	210	14700	2635.5
7.	Беда пичани қайнатмаси	1	250	110	25250	1680
8.	Ош тузи	0.01	5.5	-	-	-
9.	Микроэлемент тузи	0.01	3	-	-	-

Тузилган рационнинг таркиби юқоридаги жадвалда кўриб турганидек акс этган. Рационни ташкил этган озиқаларнинг тўйимлилиги анчагина юқори кўрсаткичларга эга. Жумладан, табиий сутнинг тўйимлилиги 0.30 озиқа бирлигига, ёғсиз сутнинг тўйимлилиги 0.13 озиқа бирлигига, беда пичанининг тўйимлилиги 0.44 озиқа бирлигига, омехта емнинг тўйимлилиги 1.0 озиқа бирлигига, қанд лавлагининг тўйимлилиги 0.24 озиқа бирлигига, маккажўхори силосининг тўйимлилиги эса 0.20 озиқа бирлигига тенг бўлган.

Берилган озиқаларни тўйимлилигини акс эттирувчи хазмланувчи протеини қуйидагича бўлган. Масалан табиий сутнинг хазмланувчи протеини 64.7 граммга, ёғсиз сутнинг хазмланувчи протеини 35 граммга, беда пичанининг хазмланувчи протеини 101 граммга, омехта емнинг хазмланувчи протеини 79 граммга, қанд лавлагининг хазмланувчи протеини 9 граммга, маккажўхори силосининг хазмланувчи протеини 14 граммга ташкил этган.

11-жадвал

Тажрибадаги бузоқларнинг ўртача мутлоқ, кунлик ва нисбий ўсишининг таҳлили.

т/р	Бузоқларнинг ёши, ой	Назорат гуруҳи			Тажриба гуруҳи		
		Мутлоқ ўсиш, кг	Кунлик ўсиш, гр	Нисбий ўсиш, %	Мутлоқ ўсиш, кг	Кунлик ўсиш, гр	Нисбий ўсиш, %
1.	Туғилгандаги тирик вазни	31	-	-	31	-	-
2.	1 ойлигида	15.9	530	51.3	22.6	753	73.0
3.	2 ойлигида	17.8	593	38.0	24.8	827	46.2
4.	3 ойлигида	19.6	653	30.3	25.7	857	32.8
5.	4 ойлигида	22.7	756	27.0	26.9	897	25.8
6.	Жами	107	633	146.6	131	833.5	177.8

Озиқаларнинг энергетик қийматини ташкил қилувчи алмашинувчи энергия кўрсаткичи ҳам меъёр даражасида эканлигини кўриш мумкин.

Жумладан, табиий сутнинг алмашинувчи энергияси 2.35 мегажоульни, ёғсиз сутнинг алмашинувчи энергияси 1.31 мегажоульни, беда пичанининг алмашинувчи энергияси 6.72 мегажоульни, омихта емнинг алмашинувчи энергияси 9.2 мегажоульни, қанд лавлагининг алмашинувчи энергияси 1.93 мегажоульни, маккажўхори силосининг алмашинувчи энергияси 2.51 мегажоульни ташкил этган.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, бузоқлар туғилган вақтида деярли бир хил тирик вазнга эга бўлган. Бузоқларни боқиш усулларида келиб чиқиб назорат гуруҳидаги бузоқларнинг ўсиш кўрсаткичлари қуйидагича бўлди. Бузоқлар 1 ойлигида ўртача хар бири 15.9 кг дан вазн олган бўлса, кунлик ўсиш ўртача 530 граммдан ўсишга эришилди, нисбий ўсиш 51.3% ни ташкил этди. 2 ойлигида ўртача хар бири 17.8 кг дан вазн олган бўлса, кунлик ўсиш ўртача 593 граммдан ўсишга эришилди, нисбий ўсиш 38% ни ташкил этди. 3 ойлигида ўртача хар бири 19.6 кг дан вазн олган бўлса, кунлик ўсиш ўртача 653 граммдан ўсишга эришилди, нисбий ўсиш 30.3% ни ташкил этди. 4 ойлигида ўртача хар бири 22.7 кг дан вазн олган бўлса, кунлик ўсиш ўртача 756 граммдан ўсишга эришилди, нисбий ўсиш 27% ни ташкил этди. Жами 4 ой давомида ўртача хар бири 107 кг дан вазн олган бўлса, кунлик ўсиш ўртача 633 граммдан ўсишга эришилди, нисбий ўсиш 146.6% ни ташкил этди.

Тажриба гуруҳидаги бузоқларнинг ўсиш кўрсаткичлари қуйидагича бўлди. Бузоқлар 1 ойлигида ўртача хар бири 22.6 кг дан вазн олган бўлса, кунлик ўсиш ўртача 753 граммдан ўсишга эришилди, нисбий ўсиш 73% ни ташкил этди. 2 ойлигида ўртача хар бири 24.8 кг дан вазн олган бўлса, кунлик ўсиш ўртача 827 граммдан ўсишга эришилди, нисбий ўсиш 46.2% ни ташкил этди. 3 ойлигида ўртача хар бири 25.7 кг дан вазн олган бўлса, кунлик ўсиш ўртача 857 граммдан ўсишга эришилди, нисбий ўсиш 32.8% ни ташкил этди. 4 ойлигида ўртача хар бири 26.9 кг дан вазн олган бўлса, кунлик ўсиш ўртача 897 граммдан ўсишга эришилди, нисбий ўсиш 25.8% ни ташкил этди. Жами 4 ой давомида ўртача хар бири 131 кг дан вазн олган

бўлса, кунлик ўсиш ўртача 833.5 граммдан ўсишга эришилди, нисбий ўсиш 177.8% ни ташкил этди.

12-жадвал

Тажриба учун ажратилган бузоқларнинг ўртача махсулдорлик кўрсаткичлари таҳлили.

Т/р	Кўрсаткичлар	Гуруҳлар		Фарқи	
		Назорат	Тажриба	+, -	%
1.	Туғилгандаги тирик вазни	31	31	-	100
2.	1 ойлигида	15.9	22.6	+ 6.7	114.3
3.	2 ойлигида	17.8	24.8	+ 13.7	121.2
4.	3 ойлигида	19.6	25.7	+ 19.8	123.5
5.	4 ойлигида	22.7	26.9	+ 24.0	122.4
6.	Давр охиридаги тирк вазни	107	131	+ 24.0	122.4
7.	Қўшимча вазн	76	100	+ 24.0	131.6

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, тажрибадаги бузоқларнинг туғилгандаги тирик вазнлари бирхил бўлгани холда, озиқлантириш услубларининг ҳар хил бўлагнили туфайли уларнинг ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари орасида турли тафовутларни кўриш мумкин. Жумладан, бузоқларнинг биринчи ойлигида назорат гуруҳига нисбатан тажриба гуруҳида 6.7 кг, иккинчи ойда 13.7 кг, учунчи ойда 19.8 кг ва бу кўрсаткич тўртинчи ойда 24 кг ортиқча тирик вазн олганлигини кўриш мумкин. Жами тажриба давомида эришилган қўшимча вазн назорат гуруҳида 107 кг ни ташкил қилган бўлса, тажриба гуруҳида 131 кг етказилди.

Уларнинг нисбий кўрсаткичларда кўриб ўтадиган бўлсак, биринчи ойда тажриба гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан 114.3%, иккинчи ойда 121.2%, учинчи ойда бу кўрсаткич 123.5% га ва тўртинчи ойда эса 122.4%

ортганлигини кўриш мумкин бўлади. Жами тажриба натижасида олинган тирик вазнларни тахлил қилсак, тажриба гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан 131.6% га қўшимча вазн олишга эришганлигимизни кўриш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бузоқларни 4 ойлик даврида 120-130 кг га етказишга эришиш кейинги ишлар учун, жумладан, улардан насл олиш, уларни бўрдоқига боқиш ва зот устида олиб бориладиган ишлар учун етарли даражада имкон бўлади. Демак, бузоқлар қанча кўп вақт давомида табиий сут билан боқилса шунча яхши натижаларга эришиш мумкин бўлади.

V. Тажрибанинг иқтисодий самарадорлиги.

Бизнинг тажрибамиз янги туғилган Швиц зотли бузоқларнинг ўсиш ва ривожланишига табиий сут билан озиқлантиришнинг таъсирини ўрганишдан иборат бўлди. Ҳар қандай амалий ишнинг самараси унинг иқтисодий жихатдан фойдали ёки фойдали эмаслигида кўринади. Унинг қандай даражада фойдали эканлиги эса иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларида акс этади. Биз ҳам олиб борган тажрибамизнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқдик.

Озуқа сарфи. Биринчи навбатда тажриба учун ажратилган хайвонларга тажриба давомида сарфланган озуқалар сарфини ҳисобланади. Тажрибанинг давомийлиги 120 кун давом этганлигини ҳисобга олган ҳолда, юқоридаги рациондан келиб чиқиб қуйидагича қийматда озуқалар харажати қайд қилинди.

13-жадвал

Тажриба учун сарфланган озуқа харажатлари.

Т/р	Озуқалар тури	Назорат гуруҳи			Тажриба гуруҳи		
		Жами озуқа сарфи	1 кг озуқа қиймати	Жами озуқа қиймати	Жами озуқа сарфи	1 кг озуқа қиймати	Жами озуқа қиймати
		кг	сўм	сўм	кг	сўм	сўм
1	Табиий сут	975	935	911625	1950	935	1823250
2	Ёғи олинган сут	900	800	720000	-	-	-
3	Беда пичани	900	185	166500	900	185	166500
4	Омихта ем	450	112	50400	450	112	50400
5	Беда пичани қайнатмаси	250	55	13750	250	55	13750
6	Қанд лавлаги	450	125	56250	450	125	56250
7	Маккажўхори силоси	1050	170	178500	1050	170	178500
	Жами:	X	X	2097025	X	X	2288650

Иш ҳақи сарфи. Тажриба учун алоҳида ишчи жалб этилди, чунки тажриба давомида кечаю кундуз, доимий равишда ёш хайвонлардан хабардор

бўлиб туриш учун. Ушбу ишчи фермер хўжалигида шартнома билан ишлаётганлиги учун унга фермер 350000 сўм миқдорида иш ҳақи белгилаган. Биз ушбу иш ҳақиси сақланиб қолган ҳолда унга қўшимча яна 25% устама ҳақ белгиладик. Жами иш ҳақиси қуйидагича бўлди:

$$350000 \text{ сўм} * 25\% / 100\% = 87500 \text{ сўм} + 350000 \text{ сўм} = 437500 \text{ сўм}.$$

Ушбу сумма 4 ой давомида тўланди.

$$437500 \text{ сўм} * 4 \text{ ой} = 1750000 \text{ сўмни ташкил этди}.$$

Амортизация ажратмаси. Тажрибадаги янги туғилган Швиц зотли бузоқлар тажриба давомида 4687500 сўм қийматга эга бўлган бино ичида асралди. Бино иншоатининг амортизация ажратмаси 7% ни ташкил этади. Жами амортизация қиймати қуйидагича бўлди.

$$4687500 \text{ сўм} * 7\% / 100\% = 328125 \text{ сўм амортизация ажратилди}.$$

Дори – дармон воситалари сарфи. Тажрибадаги янги туғилган Швиц зотли бузоқларни турли юқимли ва юқумсиз касалликлардан сақлаш мақсадида 345900 сўмлик дори – дармон воситалари сарфланди.

Жами харажатларни ҳисоблаш. Жами харажатлар таркиби қуйидагича қийматга эга бўлди.

Назорат гуруҳида: $2097025 + 1750000 + 328125 + 345900 = 4521050 \text{ сўм}.$

Тажриба гуруҳида: $2288650 + 1750000 + 328125 + 345900 = 4712675 \text{ сўм}.$

Пул даромади. Тажриба давомида эришилган тирик вазн ҳисобига олинадиган пул даромадини ҳисоблаш учун 1 килограмм тирик вазн баҳосига жами эришилган тирик вазн миқдорини кўпайтирамиз. 1 килограмм тирик вазннинг қиймати 11000 сўм қилиб белгиланган.

Назорат гуруҳида: Жами боқилган 5 бош бузоқларни 535 килограмм тирик вазнга етказилган.

$$535 \text{ кг} * 11000 \text{ сўм} = 5885000 \text{ сўм миқдорида пул даромади олинмоқда.}$$

Тажриба гуруҳида: Жами боқилган 5 бош бузоқларни 655 килограмм тирик вазнга етказилган.

$$655 \text{ кг} * 11000 \text{ сўм} = 7205000 \text{ сўм миқдорида пул даромади олинди.}$$

Соф даромад. Эришилган тирик вазн ҳисобига олинadиган соф даромадни ҳисоблаш учун, олинган пул даромадидан жами сарфланган харажатлар миқдорини чегириб ташлаймиз.

Назорат гуруҳида: $5885000 \text{ сўм} - 4521050 \text{ сўм} = 1363950 \text{ сўм}.$

Тажриба гуруҳида: $7205000 \text{ сўм} - 4712675 \text{ сўм} = 2492325 \text{ сўм}.$

1 сўм харажат ҳисобига олинган соф даромадни ҳисоблаш. Уни ҳисоблаш учун олинган соф даромадни жами сарфланган харажатларга бўлинади.

Назорат гуруҳида: $1363950 \text{ сўм} / 4521050 \text{ сўм} = 0,31 \text{ сўм}.$

Тажриба гуруҳида: $2492325 \text{ сўм} / 4712675 \text{ сўм} = 0,53 \text{ сўм}.$

Тажриба натижалари шуни кўрсатадики, назорат ва тажриба учун бир хил ёшдаги, бир хил тирик вазндаги ва бир хил сондаги янги туғилган бузоқлар ажратиб олиниб, улар турлича усулларда 4 ой давомида боқилганда давр охирига келиб тажриба гуруҳидаги бузоқлар ўзларига назорат гуруҳидаги бузоқларга 120 килограммга кўп миқдорида қўшимча вазн олишга эришдилар ва бу назорат гуруҳига нисбатан олганда 122.4% ни ташкил этади.

Тажрибанинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари.

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Гуруҳлар		Фарқи	
			Назорат	Тажриба	+; -	%
1	Жами бузоқлар бош сони	бош	5	5	-	100
2	Бузоқларнинг давр бошидаги ўртача тирик вазни	кг	31	31	-	100
3	Жами бузоқларнинг давр охиридаги тирик вазни	кг	535	655	+120	122.4
4	1 кг тирик вазн қиймати	сўм	11000	11000	-	100
5	Эришилган тирик вазн хисобига олинган пул даромад	сўм	5885000	7205000	+1320000	122.4
6	Тирик вазн олиш учун сарфланган жами харажат	сўм	4521050	4712675	+191625	104.2
7	Тирик вазн етиштириш хисобига олинган соф даромад	сўм	1363950	2492325	+1128375	182.7
8	1 сўм харажат хисобига олинган соф даромад	сўм	0.31	0.53	+0.22	171

Ушбу етиштирилган тирик вазн хисобига олинган пул даромади назорат гуруҳига нисбатан 1320000 сўм кўп даромад келтирган, бошқача айтганда назорат гуруҳига нисбатан 122.4% га кўпроқ даромад келтириган. Шу билан бирга, тирик вазн олиш учун сарфланган жами харажатлар назорат гуруҳига нисбатан 191625 сўмга кўп харажат қилинди, яъни харажатлар нисбати 104.2% га тенг бўлганлигини кўрадик.

Тирик вазн етиштириш хисобига олинган соф даромад эса, назорат гуруҳига нисбатан 1128375 сўм кўп олинганлигини ифодалайди, бошқача айтганда, тажриба гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан 182,7% юқори кўрсаткичга эришганлигини кўриш мумкин бўлади. Ишнинг самарадорлигини кўрсатувчи кўрсаткич хисобланган 1 сўм харажат хисобига олинган соф даромад эса, назорат гуруҳида 0,31 сўмга тенг бўлган бўлса, тажриба гуруҳида бу кўрсаткич 0,53 сўмга тенг бўлди. Яъни назорат гуруҳига нисбатан 171% юқори кўрсаткичга эришдик.

VI. Хулоса ва таклифлар.

Аграр соҳани ислоҳ қилиш ёки тармоқни ривожлантириш стратегиясини белгилашда фермер ўзининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш эҳтиёжлари билан энг асосий ўринда туриши лозим. Шунинг учун ҳам аграр соҳада ислохатларни чуқурлаштириш бўйича қабул қилинаётган ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларда уларнинг барча муаммолари бош меъзон қилиб олинган. Бу эса ижтимоий муносабатларга йўналтирилган бозор иқтисодиётининг асосий талабидир. Маълумки чорвачилик ривожини ҳамда иқтисодий натижавийлигини, энг аввало илаб чиқариш воситасини бўлган ер билан, ерга эгалик ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини билан боғлиқдир. Аграр соҳани чуқурлаштириш жараёнида бу масалага алоҳида эътибор қаратилди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги **«Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора – тадбирлари тўғрисида»** ги ПҚ – 308 – сонли ва 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган **«Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида»** ги ПҚ – 842 – сонли қарорлари чорвачиликни бозор иқтисодиёти шароитида ривожлантириш борасида катта имконият яратди.

Сохага оид эълон қилинган барча фармон ва қарорлар республикада хўжалик тоифасидан қатъий назар чорвачилик билан шуғулланувчиларни даромадини ошириш ва ички бозорни етарли миқдорда сифатли маҳсулотлар билан тулдиришни таъминлашга қаратилган. Шунингдек, чорвадорлар учун қулай шарт – шароитлар яратиш, уларга бир қанча имкониятлар ва имтиёزلарни берди. Давлатимиз томонидан ҳам, чорвачиликни риважлантириш учун банкларда махсус ҳисоб рақамлари очилиб улардан аҳолига фойизсиз ва имтиёзли кредитлар тарқатилмоқда.

Хозирги кунда ахолини озиқ – овқат махсулотлари хусусан, гўшт ва гўшт махсулотлари билан таъминлаш энг долзарб мавзуга айланган. Гўшт махсулотларини арзон ва сифатли етиштириш бугуннинг бош мавзуси бўлиб қолди. Хўжаликларда бу борада турли чоралар ва тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Аммо шуни ҳам таъкидлаш лозимки, баъзи жойларда ҳайвонларга озуқаларни етарлича етказиб берилмаслиги, ер майдонлари билан тўла таъминланмаганлиги ва чорвачилик тармоғини механизациялаш даражасининг пастлиги гўшт махсулоти миқдорининг пасайиши, сифатининг пастлиги ва энг мухими, гўшт махсулоти ишлаб чиқариш таннархининг кўтарилишига сабаб бўлмоқда. Хужаликда бу ишларни амалга ошириш учун биз қуйидагиларни тклиф қиламиз:

- **Биринчидан:** хўжаликда етиштирилаётган озуқаларнинг тўйимлилигига ва уларни ҳосилдорлик кўрсаткичларини ошириш борасида тадбирлар ишлаб чиқиш зарур;
- **Иккинчидан:** хўжаликда қорамоллар бош сонини ошириш ва зот устида олиб борилаётган ишларни ривожлантириш лозим;
- **Учинчидан:** ўстирилаётган ҳайвонларни 1 кг тирик вазнга эришишида энг самарали чораларни ишлаб чиқиш керак;
- **Тўртинчидан:** олинадиган тирик вазн таннархини пасайтиришда энг арзон, энг кам меҳнат сарфлаб, энг юқори натижани олишга эришиш керак;
- **Бешинчидан:** ўстирилаётган ёш ҳайвонларни доимий равишда эмлаб, ветеринария кўригидан ўтказиб бориш лозим. Акс ҳолда ҳайвонларни касалланиши, уларнинг ўсиш ва ривожланишига таъсир кўрсатиши ва ўзининг тенгларидан орқада қолиши мумкин;
- **Олтинчидан:** махсулдорлиги паст бўлган ҳайвонларни жадал боқиш орқали бўрдоқига боқиб, гўштга топшириш масаласини

ҳал қилиши ва ўрнига зоти ҳамда маҳсулдорлиги юқори бўлган ҳайвонларни келтириш чораларини топишлари керак;

- **Еттинчидан:** чорва фермаларини механизациялаш ва қўл кучи билан бажариладиган ишларни механизмлар зиммасига юклаш зарур. Бу эса маҳсулот таннархини пасайтиради. Шунинг мақсадида кўп жараёнларда техникадан фойдаланиш йўллари кўриш лозим.
- **Саккизинчидан:** ёш ҳайвонлар катта ёшли ҳайвонларга нисбатан анчагина тўйимли моддаларга ва парваришlashга катта эҳтиёж сезадилар. Агарда ушбу тадбирлар тўғри йўлга қўйилса самарали натижаларга эришиш гарови бўлади.

VII. ҲАЁТИЙ ФАОЛИЯТ ХАВФСИЗЛИГИ.

7.1. Озуқа цехи механизмларида ишлаш хавфсизлиги.

Озуқа цехи механизмларида ишлаганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш зарур. Машина ва механизмларни яқинига, хавфсиз ишлар йўл-йўриқларини илиб қўйиш керак. Бу машиналарни олдиға ёт кишиларни келтириш керак эмас. Бу машиналар ишлаётганда назоратсиз қолдириб бўлмайди.

Машиналарда ишлаётганларни махсус кийимлари осилиб, судралиб туриши, енгларини узун бўлиши мумкин эмас. Ишлаётган аёллар сочларини рўмоллари остиға маҳкам боғлаб олиши лозим. Машина ва механизмларға ишлов бериладиган ем маҳсулотларини бир текисда, назорат қилиб, ташлаб туриш керак ; акс ҳолда уларға тош, ғишт, сим ва бошқа нарсалар аралашиб кетиши ва бирон-бир кўнгилсизлик рўй бериши мумкин.

Маҳсулотларни ичига ем маҳсулотларини қўлда ёки бирон буюм ёрдамида тикиб туриш мумкин эмас. Майдалагич ишлаётганда ем маҳсулотларини машинадан чиқиш томонида туриш мумкин эмас, чунки ерни ичида бўлган болт, гайка ва шунга ўхшаш нарсалар ишловчини жароҳатлаши мумкин.

Хамма машиналарни мунтазам назоратда ўтказиб туриш. Бузуқликларни тузатиш лозим. Электр машиналарни ўз-ўзидан ишлаб кетишини олдини олиш мақсадида магнитли ишға туширгични ўчириш билан бирға рубилникдан ҳам ўчирмоқ лозим.

Озуқа цехи ёнғинға қарши воситалар билан жихозланиши талаб қилинади.

Цехда хавфсиз ва гигиеник талабдаги иш шароити яратиш мақсадида оқова сувларни чиқариб юбориш қурилмалари жихозланиши керак. Поли бетонланган, маълум даражада қиялиги бор бўлиши лозим. Машина атрофида 5...7 см қалинликдаги тахтадан қилинган таглик қўйилади.

Маълумки озуқа тайёрловчи машиналар хилма-хил бўлиб, улар хар-бир ишлаб чиқариш технологик чизиққа беркитилади. Уларозуқа майдалагичлар

РСС-6 Б, ИГК-30 Б, КДУ-2, КДМ-2, ПСК-5, махсус озуқа ташийдиган машина, бу машиналар билан ишлаганда қуйидагиларни билиш даркор.

-Озуқа цехи машиналари ҳаммаси электр энергияси билан ишлайди шунинг учун уларни корпусини албатта ерга улаш керак (заземление).

-Машиналар ишлаганда таъмирлаш, техник қаров ўтказиш, ювиш, ишга тайёрлаш қаттиқ ман қилинади.

-Машиналарни ишлаётганда ростлаш, созлаш ман этилади.

-Машиналарда ишлаш учун махсус қарор бўлиши (идора қарори), махсус кийимлар бўлиши керак.

-Ишлаш учун машиналар ишга тайёр бўлиши керак; ортиқча шовқин бўлиши ман этилади.

-Буғлаш машиналари билан ишлаганда озуқа буғланиб бўлгандан сўнг люкни бирдан очмаслиги лозим.

-Машиналарга техник хизмат кўрсатиш учун фақат иш якунлангандан сўнг машинани тўхтатиб, кейин хизмат кўрсатиш лозим ;

-Озуқа цехида ҳамма одам ишламайди, фақат махсус дафтарчаси бор шахс ишлаши мумкин.

-Озуқа цехи биносида ёки уни ёнида ёнғинга қарши жихозлар бўлиши керак лом, белкурак, кийгиз, сув, қум ва бошқа инвентарлар.

-Озуқа сақловчи саройга чекувчиларни, ўт ўйновчиларни ва маъсулятсиз шахсларни қуйиш мумкин эмас.

-Озуқа тайёрлаш машиналари ишлатишдан олдин тозаланган, қўшимча мой сарфламайдиган бўлиши, мой ва мойлаш махсулотлари озуқаларни ифлослантмаслиги лозим.

Озуқа тайёрлаш машиналарида ишлаш хавфсизлик талаблари.

Озуқа тайёрлаш машиналарини ишлатишда жуда эҳтиёт бўлиш керак. Нечаки, уларда ҳар хил механизмлар, озуқани майдаловчи актив ишчи органлар бўлиб, улар юқори даражада инерция кучларига эга бўлади.

Айниқса силосқирқиш, похол қирқиш, болғали майдалагич, универсаль ва ўкли тегирмонлар, ем майдалагич, чиқинди майдалагич, томирли озуқаларни майдалагич, томирли озуқаларни ювиш машинаси, картошка эзиш ва бошқа турли ишлатиладиган машина ва механизмларда ишлаганда ўта эҳтиёткор бўлиш талаб қилинади.

7.2. Фуқоролар мудофаси.

Довул тўфон ёки қуюн хавфи юзага келганда ва содир бўлганда аҳолининг ҳаракати.

Фуқоролар хавфи юзага келгандаги ҳаракат:

1. Огохлантирувчи хабарни эшитгач дераза эшик ва дарчаларни ёпинг.
2. Очiq жойлардан шамол учуриб кетиши мумкин бўлган барча буюмларни олиб қўйинг.
3. Газ печкалардаги оловни ўчиринг. Фonus шам лампаларни тайёрлаб қўйинг.
4. Озиқ – овқат, сув, дори – дармонларни ғамлаб, телевизор ва радиоларни ишлатиб қўйинг.
5. Беркиниш жойи (ертўла ички хоналар, панажой) ни аниқлаб қўйинг.
6. Табиий офат вақтида оила аъзоларини турли жойларда бўлиши эҳтимоли мавжуд бўлса, аввалдан фавқулодда вазиятдан сўнг учрашиш жойини келишиб олинг.
7. Эвакуация тўғрисида хабар берилгудек бўлса, энг зарур нарсаларингизни олиб уйдан чиқиб кетинг.

Фавқулода вазиятдан кейинги ҳаракати.

1. Жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатинг.
2. Узилган электр симларига яқинлашманг.

3. Шикастланган, қўллаб тушиш хавфи мавжуд биноларга кирманг.

4. Газ, электр, сув канализация тармоқларини текширинг.

Довул ва тўфон.

Довул-вайрона келтирувчи кучга эга бўлган узоқ давом этувчи, соатига 120 км тезлик билан эсувчи шамол. Тўфон-60-100 км/с тезликка эга шамол. Қуюн хаво 100 м/сек тезлик билан айланувчи кучли шамол.

Салбий оқибатлари:

Мустахкам биноларнинг шикастланиши ва енгил қурилмаларнинг бузилиши, электр ва алоқа тармоқлари симларининг узилиши, экинзорларнинг пайхон бўлиши, дарахтларнинг купориб ташланиши ва маиший-энергетик тизимдаги авариялар.

Фавқулода вазият вақтидаги ҳаракати:

1. Муҳофаза иншооти, ер тўла ва ички хоналарда беркининг.
2. Очиқ жойда бўлсангиз, яхшиси ариқ, чуқурлик, жарликларда ерга ёпишиб ётиб олинг.
3. Яшин, момақалдирок вақтида радио, телевизор ва электрни ўчириб қўйинг, металл буюмлардан узоқроқда бўлишга ҳаракат қилинг.

VIII. ТАБИАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ.

Яшил ўсимликларни табиатдаги роли ўсимликлар оламини муҳофаза қилиш.

Фан ва техниканинг юксак тараққий этиши натижасида инсоният борган сари каттадан катта ютуқларга эришмоқда. Ўз навбатида бу ютуқларга эришишда табиат бойликларидан кўплаб фойдаланилмоқда. Инсон табиат ресурсларидан жуда кенг миқёсда фойдаланиши, ишлаб чиқариш кучлари ривожланган сари инсон ва табиат ўртасидаги мувозанат ҳам бузилиб бормоқда. Инсон таъсирининг кучайиши кучли бўлган жойларда экологик танглик баъзан халокатларга юз тутмоқда. Бунга қуруқликдаги иссиқ иқлимли зоналарида чўллашиш жараёнлари, Байкал кўли, Азов денгизи, Орол муаммоси, тропиклар муаммосини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Шунинг учун табиатни муҳофаза қилиш энг мухим муаммолардан бирига айланиб бормоқда.

Табиатни муҳофаза қилишда ҳозирги замондаги энг долзарб муаммолардан бири – инсон билан табиат ўртасидаги ва табиат билан инсон ўртасидаги, жамият билан теварак – атрофдаги мухит ўртасидаги муаммонинг таркибий қисми ҳисобланади. Муаммонинг моҳияти шундаки, табиат аввало инсон томонидан қўриқланиши керак. Инсон билан табиат доимо бир бутунликни ташкил қилиб келган, чунки ўзининг бевосита алоқаси орқали табиий мухитга доимий таъсир этиб келган. Ҳозирги пайтда Ер шарида 6 млрд.дан зиёд аҳоли истиқомат қилишини назарда тутсак, уларнинг таъсирини қай даражада эканлигини билиш қийин эмас.

Саноат чиқиндилари ҳамма жойда ҳавони, дарё ва кўлларни, океанларни, тупроқни ифлослантириб, тирик организмларга ва кишилар саломатлигига катта салбий таъсир кўрсатмоқда. Авваллари кишилар табиат чексиз, унинг бойликлари битмас туганмас деб ўйлаганлар. Лекин кейинчалик табиатни қўриқлаш, табиий бойликларни тежаб – тергаб сарфлаш кераклигини англаганлар.

Табиий мухит бутун инсониятнинг келажакда фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш учун зарур бўлган тадбирларни мунтазам равишда амалга ошириш йўлида муҳофаза қилиниши керак.

Табиатни муҳофаза қилиш масаласига давлат сиёсати сифатида эътибор бериб келинмоқда. Ўзбекистон республикаси Асосий қонуни – конституциясининг 50 – ҳамда 55 – моддаларида бу ишнинг инсоний бурч ҳамда мажбурий эканлиги таъкидланган.

Республикаимизнинг кейинги мустақиллик йилларида табиатни муҳофаза қилиш муаммосига жуда катта эътибор бериб келинмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда давлат ўрмончилик қўмиталари бу ишнинг бошида турибди.

Хукуматимиз томонидан чиқарилган қарорлар ва фармонлар ҳам бу соҳадаги ишларга асос бўлиб хизмат қилмоқда. 1988 йил 19 сентябрда Орол муаммосини ечиш ва Орол бўйида вужудга келган носоғлом экологик вазиятни бартараф этиш тўғрисида ҳукумат қарори чиқди.

Ўзбекистонда 1991 йилда ҳалқаро “Экасон” ташкилоти ташкил топди. 1996 йилда “Ер кадастри тўғрисида” 1998 йилда “Ер кодекси тўғрисида” ва “Ўрмон ресурсларидан оқилона фойдаланиш тўғрисида” қонунлар қабул қилинди.

Шунга қўра ердан самарали фойдаланиш, мавжуд ўрмон ресурслари ва ўсимликларни муҳофаза қилиш чоралари қўрилмоқда.

Ўсимликлар олами ердаги моддалар алмашинувида катта аҳамиятга эга. Ўсимликлар айниқса яшил ўсимликлар атмосферадаги тирик организмларнинг нафас олиши учун зарур кислород газини етказиб беради ва ҳаводаги карбанат ангидрид газини ҳамда бошқа газларни тутиб қолади. Чанг ва ғуборларни ҳам ўзида тутиб қолади. Ўсимликлар миллиардлаб тонна органик моддалар ҳосил қилади. Бу билан нафақат инсонларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан, балки ер ости табиатидаги хайвонларни ҳам озиқ билан таъминлайди. Қуруқлик ўсимликлари бир йилда 122 млрд тонна, сув ўсимликлари 55 млрд тонна органик модда ҳосил қилади. Ўсимликлар бир

томондан хомошѐ манбаи бўлса, бошқа, томондан муҳим табиий географик фактор сифатида ер юзасидан сув оқими, буғланишга, нам сақланишига ҳаво ҳаракати, шамол кучи ва йхайвонларни ҳаётига таъсир қилади.

Ўсимликлар шаҳар ва қишлоқ микроклимига таъсир этиб ҳавосини тозалайди.

Ўсимликлар жамият учун беҳисоб озиқ-овқат манбаи, техника хомашёси, медицинада дори-дормон, қурилиш ва бошқа соҳалар учун хомашё ресурсидир. Ер шарига соф кислороднинг ҳамда органик моддаларнинг асосий қисми ўрмонлар томонида етказиб берилади. Ер шарига ўрмонлар 4 млрд 40 млн га ерни машкил этади ва қўруқликнинг 33 фоизини ишғол этиб туради.

Ўрмон ресурсларининг ёғоч зонаси дунё бўйича 133 млрд м³ дан иборат бўлиб, шундан йилига 1,5-1,6 млрд метр куб ёғоч тайёрланмоқда.

Фан-техника тараққий этган ҳозирги замонда ёғоч-химия саноатининг хомашё ресурсига айланиб қолди. Химиявий йўл билан ёғочдан қоғоз, суъний шойи, жун, тутунсиз порох, целлюлоза, киноплёнкалар, нитролан, нитробўёқ, суъний чарм, пластмасса, спирт, сирка, глюкоза, ёнувчан газ, суъний каучук ва бошқа нарсалар олинади. Ер шарига 500 мингдан зиёд ўсимлик тури мавжуд бўлса, шундан фақатгина 6000 туридан инсон ўз кундалик фаолиятида фойдаланмоқда.

Хўжалик аҳамиятига эга бўлган ўсимликлар ичида энг муҳимлари доривор ўсимликлардир. Доривор ўсимликлар 1500 турдан зиёд. Ўзбекистонда ёввойи ўсимликлардан pista, бодом, дўлана, олча, ёнғоқ, томир, тоғсақич, қамиш қабила фойдали ўсимликлардир. Ўзбекистон тоғларида pistaзорлар 14 млн.га, ёнғоқзорлар 5 млн.га дан иборат.

Бизнинг фермер хўжалиги ҳам тумандаги яхши хўжаликлар қаторида туради. Хўжалик ер майдонининг асосий қисмига бу йилги мавсумда буғдой ва озуқабоп экинлар экилди.

Хўжалик ҳудудида деярли барча маҳалла марказлари, кўча бўйларида хилма-хил манзарали ва қурилишбоп дарахтлар экилган. Экилган

терак,чинор,қайрағоч, бақатерак, каби дарахтлар кўчаларга кўрк бериб турибди. Улар ичида ёши анча катта яъни 100 йил аввал экилган ёдгорлик ҳолатидаги чинор ва қайрағоч дарахтлари ҳам бор. Бу эса кўчалардаги дарахтларга ҳам эътибор яхши эканлигидан далолат беради.

Хўжаликдаги табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги бундай самарали ишлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Унга маҳалла фаоллари,жамоат ташкилотлари,хўжалик ҳудудидаги мактаб,болалар боғчалари,амбулатория ходимлари, умуман бутун халқ яхдиллик билан хисса қўшмоқдалар. Бу ишларга хўжаликдаги комиссия бошчилик қилмоқда. Бу комиссиянинг тузлганига бир неча йил бўлди.

Ҳозирги кунда комиссиянинг 5 та аъзоси бўлиб,унга бош зоотехник раҳбарлик қилиб келмоқда. Комиссия ўзининг 1 йиллик иш дастурига эга ва бу дастур бўйича тадбирлар босқичма-босқич бажариб келинмоқда.

IX. Фойдаланилган адабиётлар.

- 1.Каримов И.А.-«Ўзбекистон XXIасрга интилмоқда» Тошкент 1995 й.
- 2.Каримов И.А.-«Ўзбекистон ўз истиклол ва тараққиёт йўли» Т.1996 й.
- 3.Каримов И.А.-«Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик» Т.1995 й.
- 4.Ўзбекистон республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги ПК-308 сонли ва 2008 йил 21 апрел ПК-842 –сонли қарорлари.
- 5.Мавлянов Н.О.-«Қорамолчилик » Тошкент.1968 й.
- 6.Арзуманян Е.А.-«Сководства» Москва Колос 1968 й.
7. Фандеев Б.В.- «Қорамолчилик» Тошкент 1968 й.
8. Мацкевич В.В.-«Мясное скводство и развидение скота пароды санта-гертруде» Москва Колос 1968 й.
9. Куликов В.И.,Рубан Ю.Д.- «Умумий зоотехния» Т. «Меҳнат» 1988 й.
- 10.Мадаминов К.-«Чорвадорнинг ён дафтари» Т. «меҳнат » 1988 й.
- 11.Калашников А.- «Чорвачиликда озук ва бошқалар нормалари ва рационлари» Т. «Меҳнат»1988 й.
12. Баканов В.Н.- «Кормление с/х животных» М. Колос 1989 й.
13. Хамракулов Р.- « Қишлохўжалик хайвонларини озукалантириш» Т.1999 й.
14. Панкратов А.А.- «Производство говядины на промишленной основе».
- 15.Переверзов Д.Б. – «Интенсивная технология производство говядины»
16. Дадабоев Ю.- Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришида меҳнат муҳофазаси. Т. 1990 й.
17. Баратов П.- Табиатни муҳофаза қилиш ва ўзгартириш.Т.